

ЎзДЖТУ хузуридаги  
РИАИМ

Ўқув-услугий  
мажмуа

Таржима назарияси ва  
амалиёти (тиллар бўйича)  
Йўналиши тингловчилари  
учун

Ўқув-услугий  
мажмуа

2021

Таржима назарияси ва амалиёти  
(тиллар бўйича)

3.2. Таржима технологияси

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

ЎзДЖТУ ўқитувчиси  
Э.Т.Имомов

**Тақризчи:**

ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.д.  
Х.Б.Самигова

*Ўқув-услугий мажмуа ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Илмий- методик Кенгашининг 2020 йил 25 декабрдаги 10 - сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

|      |  |    |
|------|--|----|
| I.   | ИШЧИ ДАСТУРИ.....  | 3  |
| II.  | МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ<br>ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 10 |
| III. | НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....                               | 15 |
| IV.  | АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР.....                                | 28 |
| V.   | КЕЙСЛАР БАНКИ.....   | 57 |
| VI.  | ГЛОССАРИЙ.....   | 59 |
| VII. | АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....  | 61 |

# **I. ИШЧИ ДАСТУР**

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаblари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни таржима технологиясининг моҳияти, таржима услублари, усуллари, стратегиялари, аслиятга нисбатан қўлланувчи таржима услублари, таржимага нисбатан қўлланувчи таржима услублари, таржима стратегияси ва унинг таржимон

учун аҳамияти, грамматик трансформациялар, лексик трансформациялар, лингвокультурологик трансформациялар ва прагматик трансформациялар бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимотни такомиллаштиришда компаративистика, яъни қиёслашга асосланган методологиядан унумли фойдаланиш - бугунги куннинг талабига айланди.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

#### **“Таржима технологияси” модулининг мақсади:**

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларига таржима технологиясининг моҳияти, услублари, стратегиялари, усуллари борасидаги билимларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Курснинг вазифаларига қуйидагилар киради:**

- “Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Таржима технологияси” модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- таржима технологиясининг моҳиятини;
- аслиятга нисабата қўлланувчи таржима услубларини;
- таржимага нисбатан қўлланувчи таржима услубларини;
- таржима стратегия ва унинг таржимон учун аҳамиятини;
- грамматик трансформацияларни;
- лексик трансформацияларни;
- лингвокультурологик трансформацияларни;
- прагматик трансформацияларни **билиши керак.**

**Тингловчи:**

- аслият ва таржима матнлари учун қўлланадиган таржима услубларини фарқлаш;

- аслият ва таржима матнлари учун қўлланадиган таржима услубларини категорияларини тушуниш;

- аслият ва таржима матнларида таржима услублари, таржима стратегиялари, усулларини қўллаш бўйича **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- таржима технологиясининг умумий моҳияти, таржима услублари, таржима усуллари, стратегияларини матннинг турли услубларига нисбатан қўлланиш фарқларини аниқлаш, тил сатҳлари бўйича фонетик, грамматик, лексик-семантик, стилистик, матний бирликларга нисбатан қўлланувчи

таржима усуллари ҳамда аслият тилдан қардош ва қардош бўлмаган тилларга нисбатан қўллаш бўйича **малакаларини эгаллаши** лозим.

**Тингловчи:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- интерактив мултимедиа воситаларидан фойдаланиш;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- ўзаро дарсларни кузатиш ва тажриба алмашиш;
- таълим жараёнида тадқиқот усулларидан фойдаланиш;
- тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билиш;
- чет тили таълимида баҳолашга оид қарорлар қабул қилиш
- медиасаводхонлик ва педагогик этика **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Таржима технологиялари” модули мазмуни ўқув режадаги мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўқув модули катта аҳамият касб этади.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

| №  | Модул мавзулари                                   | Тингловчининг ўқув юкلامаси,<br>соат |                            |          |                    | Мустақил таълим |
|----|---|--------------------------------------|----------------------------|----------|--------------------|-----------------|
|    |   | Ҳаммаси                              | Аудитория ўқув<br>юкلامаси |          |                    |                 |
|    |   |                                      | Жами                       | жумладан |                    |                 |
|    |   |                                      |                            | Назай    | Амалий<br>машғулот |                 |
| 1. | Таржима технологиясининг моҳияти                  | 2                                    |                            | 2        |                    |                 |
| 2  | Аслиятга нисабата қўлланувчи таржима услублари    | 2                                    |                            | 2        |                    |                 |
| 3. | Таржимага нисбатан қўлланувчи таржима услублари   | 2                                    |                            |          | 2                  |                 |
| 4  | Таржима стратегия ва унинг таржимон учун аҳамияти | 2                                    |                            |          | 2                  |                 |
| 5  | Грамматик трансформациялар                        | 2                                    |                            |          | 2                  |                 |
| 6  | Лексик трансформациялар                           | 2                                    |                            |          | 2                  |                 |
| 7  | Лингвокультурологик трансформациялар              | 2                                    |                            |          | 2                  |                 |
| 8  | Прагматик трансформациялар                        | 2                                    |                            |          | 2                  |                 |
|    | <b>Жами: 16 соат</b>                              | 16                                   |                            | 4        | 12                 |                 |

### Назарий таълим соатлари мазмуни

#### 1-мавзу: Таржима технологиясининг моҳияти

«Таржима технологияси» моҳиятини очиб бериш. «Таржима технологияси» курсининг мақсад ва вазифалари. Курснинг илмий фанлар тизимидаги ўрни. Таржима услублари, усулларини категорияларининг



таснифлаш. Аслият ва таржима матнларига нисбатан қўлланувчи таржима услублари.

## **2-мавзу: Аслиятга нисабата қўлланувчи таржима услублари**

Аслият матнига нисбатан қўлланувчи таржима методлар: сўзма-сўз, гапларни бирма-бир таржима таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима, семантик таржима, коммуникатив таржима, насрий таржима, академик таржима, фонемик таржима, академик таржима.

## **Амалий машғулотлар мазмуни**

### **1-мавзу: Таржимага нисбатан қўлланувчи таржима услублари**

Таржима матнига нисбатан қўлланувчи таржима услублари: мослаштириш таржима, эркин, идиоматик, ижодий, муаллифлаштирилган, тадбил, восита тилдан таржима, ахборот таржима, когнитив таржима, шарҳлаш.

### **2-мавзу: Таржима стратегия ва унинг таржимон учун аҳамияти**

Таржима стратегиясининг моҳияти, унинг таржима жараёнидаги аҳамияти, стилистик усулларни таржима қилиш стратегиялари.

### **3-мавзу: Грамматик трансформациялар**

Таржима трансформациялари ва уларнинг таржимашунос олимлар томонидан қилинган таснифи, грамматик трансформациялар: гапларни бирма-бир таржима қилиш, транспозициялар, тушириб қолдирилган сўз ўрнини қоплаш, қисқартириш, кенгайтириш, сўз тартибини ўзгартириш, сўз қўшиш, тушириб қолдириш.

### **4-мавзу: Лексик трансформациялар**

Лексик трансформациялари: сщз ўзлаштириш, калькалалаш, эквивалентлик, шаклий эквивалентлик, эслатмалар, бошқа сўзлар билан ифодалаш, тафсиллаш, сўз алмаштириш, тасвирий эквивалентлик, мослаштириш, аналог таржима.

### **5-мавзу: Лингвокультурологик трансформациялар**

Маданиятга оид сўзлар, реалий ёки миллий колоритга эга бўлган сўзларни таржима қилишда алмашинувлар, компенсация, сўз ёки маъно

қўшиш, транскрипция, транслитерация, калькалаш, лексик-семантик алмаштириш, конкретизация, генерализация, модуляция, гапни бўлаклаш усули, экспликация, функционал эквивалентлик, шаклий эквивалентлик, тасвирий ёки изоҳловчи таржима, бетарафлаштириш (вазифавий ёки изоҳланган эквивалент); сўзма - сўз таржима; мослаштириш; таркибий таҳлил; ўчириб ташлаш; жуфтлик; стандартлаштирилган таржима; изоҳлаш, шарҳ, ва таснифлаш фойдаланилади.

### **6-мавзу: Прагматик трансформациялар**

Прагматик трансформациялар: модуляция, аниқлик киритиш, маънони очиб бериш, яширин маъно бериш, умумийлаштириш, Сўз мақомини бошқа тил хусусиятига мослаштириш.

### **Ўқитиш шакллари**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- ноанъанавий ўқитиш (интерактив, конференция, дебат);
- давра суҳбатлари (муҳокама этилаётган муаммо ва унинг ечими бўйича мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли рақамлар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар                     | Сизнингча бу тушунча қандай маънони<br>англатади?               | Қўшимча<br>маълумот |
|--------------------------------|---|---------------------|
| <b>Таржима услуби</b>          | <b>Матнга нисбатан танландиган таржима<br/>методи</b>           |                     |
| <b>Таржима<br/>стратегияси</b> | <b>Унга кўра, таржима услуби ва усулига<br/>кўра танланади</b>  |                     |
| <b>Таржима усули</b>           | <b>Матндаги кичик лексик бирликларга<br/>нисбатан танланади</b> |                     |
| <b>Таржима</b>                 | <b>Таржима жараёнида амалга</b>                                 |                     |

|             |                                  |  |
|-------------|----------------------------------|--|
| процедураси | ошириладиган ишлар кетма-кетлиги |  |
|-------------|----------------------------------|--|

**“SWOT-таҳлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

|                          |                          |
|--------------------------|--------------------------|
| <b>S – (strength)</b>    | • кучли томонлари        |
| <b>W – (weakness)</b>    | • заиф, кучсиз томонлари |
| <b>O – (opportunity)</b> | • имкониятлари           |
| <b>T – (threat)</b>      | • тўсиқлар               |

**Таржима усулини таҳлил қилинг ва ушбу жадвалга туширинг.**

|          |   |  |
|----------|---|--|
| <b>S</b> | Таржима жараёнида лексик бирликларни ўгиришда ёрдам беради                  | Лексик бирликларни тил сатҳлари бўйича таржима қилишга ёрдам беради    |
| <b>W</b> | Қўшимача коннотатив маъноли сўзларни ўгиришда мужмаллик ҳосил қилиши мумкин | Ўзлаш сўзларни аниқ маъносини беришда муаммога учрайди                 |
| <b>O</b> | Таржимоннинг лингвистик компетенцияларини шакллантиришга ёрдам беради       | Таржимонни профессионал компетенцияларини ривожлантиришга ёрдам беради |
| <b>T</b> | Тўсиқлар (ташқи)  | таржима жараёнида учрайдиган типик “техник” қийинчиликларни            |

**Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир

хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

| Таржима усуллари |           |                             |           |                   |           |
|------------------|-----------|-----------------------------|-----------|-------------------|-----------|
| Лексик усуллар   |           | Лингвокультурологик усуллар |           | Прагматик усуллар |           |
| афзаллиги        | камчилиги | афзаллиги                   | камчилиги | афзаллиги         | камчилиги |

|                |  |  |  |  |   |
|----------------|--|--|--|--|---|
|                |  |  |  |  | и |
|                |  |  |  |  |   |
| <b>Хулоса:</b> |  |  |  |  |   |

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда семинар машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

|          |   |
|----------|---|
| <b>Ф</b> | • фикрингизни баён этинг                          |
| <b>С</b> | • фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг             |
| <b>М</b> | • кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг |
| <b>У</b> | • фикрингизни умумлаштиринг                       |

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Фикр:** Таржимон халқлар ўртасида воситачи

**Топширик:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у учта ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини турли аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: ТАРЖИМА ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ МОҲИЯТИ

##### Режа:

- 1.1. Таржима тушунчасининг асосий моҳияти
- 1.2. «Таржима технологияси» моҳиятини очиб бериш.
- 1.3. Таржима услублари, усулларини категорияларининг таснифлаш.

**Таянч тушунчалар:** таржима, технология, таржима услуби, таржима стратегияси, таржима усули, таржима процедураси.

#### 1.1. Таржима тушунчасининг асосий моҳияти.

Бутун дунё миқёсида турли халқларнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ҳамкорлиги борган сари кучайиб бормоқдаки, бу алоқаларни таржимасиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бугунги кунда таржиманинг аҳамияти ҳақида гапириш қуёшнинг аҳамиятини тушунтиришдай гап бўлиб қолди. Яъни қуёшсиз ер юзида ҳаёт бўлмагани каби, таржимасиз турли халқларнинг ўзаро алоқаси, ўзаро алоқасиз эса тараққиёт бўлмайди. “Бошқа халқлар ҳаётидан воқиф бўлмаслик, ғофиллик, миллий маҳдудликка олиб келади”. Шунинг учун ҳам таржимага халқларни бир-бирига боғловчи ҳалқа, фан ва маданиятни ривожлантирувчи ва бойитувчи восита, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка асос солувчи кўприк деб қаралади.

Демак, таржима:

- халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ўрнатилиши;
- илмий-техник тараққиётнинг жадаллашувчи;
- маданият, санъат ва адабиётларнинг бир-бирига таъсири;
- тилларнинг бойишида муҳим роль ўйнайди.



Таржима - муайян тилда оғзаки ёки ёзма равишда баён қилинган фикрни бошқа тил воситалари билан қайта ифодалаш.

Таржима таржимон сўзидан ҳосил бўлган, таржимон эса форсча тарзабон сўзидан келиб чиққан.

Маълумки, қадимда Ўрта Осиё ва Эрон халқлари ўртасида нотиклик санъати жуда ривожланган. Нотикларни эса тарзабон деб атаганлар. Тар - форс тилида янги, ширали, тароватли, нозик, латиф каби маъноларни билдиради. Забон - тил дегани. Тарзабон - нотик, чиройли гапирувчи, сўз устаси, янги ва ўткир сўзларни айтувчи демакдир. Тарзабонлар чуқур билим, кенг дунёқараш, нотиклик маҳоратига эга бўлишдан ташқари, бир неча тилларни ҳам билганлар ва ўз нутқларида улардан фойдаланганлар.

Араблар кириб келганларидан кейин ижтимоий ҳаёт, маданият, фан ва бошқа соҳаларни ўз таъсирларига олганлари каби, кўпгина сўзларни ҳам ўзлаштириб, араб тили қоидаларига бўйсундирганлар. Жумладан, тарзабон сўзи ҳам арабча талаффузда “таржамон” (ёки “таржимон”)га айланади. Шундан кейин у араб тилининг сўз ясалиш қонунига бўйсуниб, ундан янги масдар (ўзак), феъл ва отлар ҳосил қилинган. Масалан: таружама, тирижама, таржама, мутаржим, мутаржимун.

Шундай қилиб, таржимон - тарзабон сўзининг арабча таржимаси бўлса, таржима таржимон сўзидан келиб чиққан.

Таржимон - бир тилдаги оғзаки нутқ ёки ёзма матнни иккинчи тилга таржима қилувчи киши, мутаржим, тилмоч, таржимачи.

Таржимонлик - таржима қилиш, таржима иши билан шуғулланиш. Касб оти.

Таржимашунос - таржима тарихи, назарияси ва танқиди билан шуғулланувчи мутахассис, олим.

Таржимашунослик - таржима назарияси, тарихи ва танқиди билан шуғулланувчи фан.

## 1.2. “Таржима технологияси” моҳиятини очиб бериш очиб бериш.

“Таржима технологияси” модули таржима жараёнида аслият тилидаги матнни таржима тилига олиб ўтиш жараёнида товуш, сўз, сўз бирикма, матн ва ҳокозоларни алмаштириш ҳамда таржима бошланишдан олдин, жараёнда ва таржимадан сўнг амалга ошириладиган ишлар моҳиятини кўрсатиб берувчи таржима бирлиги ҳақида бой маълумотларни тақдим этишга мўлжалланган модул ҳисобланади.

“Таржима технологияси” модули орқали таржима услуги, таржима стратегияси, таржима усули каби таржимашуносликнинг фундаментал тушунчаларини батафсил ўрганишга ёрдам беради.

Таржима услуги ҳақида фикр юритишдан олдин “метод” сўзининг моҳиятига эътибор қаратамиз. OALD (Oxford Advanced Learner’s Dictionary) луғатида “метод” тушунчасининг “бирор нарсани амалга оширишнинг маълум бир йўли, пухта режалаштириш ва ташкиллаштириш” деган маъноси берилган<sup>1</sup>. Демак, таржима методини аслият матнини таржима матнига ўгиришда бирор усулни танлаш ва ундан таржима жараёнида фойдаланиш сифатида талқин қилишимиз мумкин.

Таржима услуги таржима жараёнида матннинг услуб жиҳатидан турига ва таржимоннинг мақсадига кўра танланадиган усул саналади. Таржимашунослик тарихида “таржима услуги” термини дастлаб Марк Тулий Цицерон ( м. авв. 106-43) томонидан қўлланган. Цицерон илк бора сўзма-сўз ва маъновий таржима услубларидан фойдаланган<sup>2</sup>. Назаримизда, Цицерон таржима жараёнида аслият матнини бошидан – охиригача сўзма-сўз ёки маъновий таржима услубидан фойдаланиб таржима матнига ўгирган.

Н.Н.Нелюбиннинг луғатида “таржима услуги таржима усулидан фарқ қилади ва кенг омма томонидан қабул қилинган қонуниятларга асосланмайди, бироқ таржима тури ва усуллари ҳисобга олиб, таржимон томонидан бирор мақсадга йўналтирилган ўзаро бир-бирига алоқадор

<sup>1</sup> Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press. – P.963.

<sup>2</sup> Гарбовский Н. Теория перевода: Учебник. – М.: Изд-во Московский университета, 2004. – С. 65.

усуллар тизимини амалга ошириш жараёни”,<sup>3</sup> дея таърифланади. Н.Нелюбиннинг фикрига қўшилган ҳолда, таржима услуби ва усули бир - биридан фарқ қилиб, услуб бутун матн учун танланади, усул эса матндаги фразеологик birlikлар, маданий сўзлар, афоризмлар, қўшма сўзлар каби кичик лексик birlikларни ўгириш учун танланади, деган фикрни илгари сурмоқчимиз. Бу талқинни П.Ньюмарк “таржима услублари бутун матнга боғлиқ бўлади, таржима усуллари эса матндаги гаплар ва тилнинг кичикрок birlikлари учун фойдаланилади,”<sup>4</sup> деган фикрида ҳам кўришимиз мумкин. Демак, таржима услублари таржима жараёнидан олдинги вазиятда қўлланади ва қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: аслият матнини ўрганиб, уни кимлар учун мўлжалланганлиги, матннинг услуб жиҳатдан турини аниқлаш, яъни агар матн техника соҳасига оид терминлар асосида тузилган бўлса, сўзма-сўз таржима услубидан фойдаланиш, агар матн бадиий услубга тегишли бўлса, семантик, эркин, ижодий таржима услубларидан фойдаланиш кабилар.

Милдред Ларсоннинг фикрига кўра, “таржима услуби икки турга бўлинади. Биринчиси – шаклга асосланган ёки сўзма-сўз таржима услуби. Иккинчиси – маънога асосланган ёки идиоматик таржима услуби. Сўзма-сўз таржима деганда, у таржимада аслият тили шаклини ўзгартирмасликни назарда тутди. Идиоматик таржимада аслият тили ёзувчиси назарда тутган маънони таржима тилига олиб ўтиш мақсад қилинади”<sup>5</sup>. Фикримизча, идиоматик таржима кўпроқ бадиий матн таржимасига алоқадор ҳисобланади. Чунки, бадиий матнда тилнинг ўзига хос тасвирий ифода воситаларидан кенг фойдаланилади. Бу ҳолатда таржимон бадиий матннинг маъносини олиб ўтишга уринади.

### **1.3. Таржима услублари, усулларини категорияларининг таснифлаш**

Таржима услубларидан фойдаланиш таржимон эҳтиёжига боғлиқ. У қайси услубдан фойдаланишидан қатъи назар, таржимадаги асосий эътибор

<sup>3</sup> Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – С.110.

<sup>4</sup> Newmark, P. Approaches to Translation. Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – P. 81

<sup>5</sup> Mildred L. Meaning – based translation: A guide to cross-language equivalence. – Lanham: University press of America, 1984. – P.15.

аслият тилидаги маълумотни таржима тилига аъло даражада олиб ўтишдир. П.Ньюмарк қуйидаги таржима услубларини таклиф қилган: сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш, семантик таржима, мослаштириш, эркин таржима, идиоматик таржима, коммуникатив таржима, маиший-хизмат таржимаси, насрий таржима, ахборот таржимаси, когнитив таржима, академик таржима.<sup>6</sup> Ушбу услублар аслият матнига ва таржима матнига яқин услублар гуруҳига ҳам бўлинади. Аслият тилига яқин услубларга сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш ва семантик таржима услублари кирса, таржима тилига яқин услублар деганда эркин, мослаштириш, идиоматик ва коммуникатив таржима услублари назарда тутилади.

П.Ньюмарк энг самарали таржима услублар коммуникатив ва семантик таржима услублари эканлигини таъкидлайди<sup>7</sup>. Демак, П.Ньюмарк ва М.Ларсонлар мукамал таржима яратишда катта аҳамият касб этадиган энг асосий услубларни танлаш муҳим деб таъкидлашади.

Шундай қилиб, инглиз тилида “translation method” термини ўзбек тилида “таржима услуб” деб талқин қилинади. Таржима услублари таржимоннинг ўз мақсадига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Қ. Мусаев П.Ньюмарк, М.Ларсонлар таклиф этган таржима услублари терминига нисбатан таржима турлари терминини қўллайди. Олим таржиманинг тўққиз турини, яъни ижодий, сўзма-сўз, эркин, образлаштирилган (идиоматик), мослаштириш, муаллифлаштирилган, табдил, академик ва воситали тилдан таржима турларини келтириб ўтган<sup>8</sup>. Фикримизча, Қ.Мусаев таклиф қилган таржима турлари ёзма матннинг таржима турлари сифатида қаралган.

---

<sup>6</sup> Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – pp. 45-47.

<sup>7</sup> Newmark, P. About Translation: Multilingual Matters. – Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multilingual Matters Ltd, 1991. – P.26

<sup>8</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б.21-28.

## Саволлар:

1. Таржиманинг асосий моҳияти нимадан иборат?
2. Таржима услубини ким биринчи марта қўллаган?
3. Таржима услубининг асосий моҳияти нимадан иборат?
4. Таржима услуби ва таржима усулини бир-биридан фарқи нимада?
5. Таржима турларини классификация қилувчи асосий меърлар нималардан иборат?

### **2-мавзу: Аслиятга нисбатан қўлланувчи таржима услублари**

Таржима услублари вазифасига кўра икки турга бўлинади: аслият матнига нисбатан ва таржима матнига нисбатан қўлланувчи услублар. Аслият матнига нисбатан қўлланувчи услубларга қуйидагилар киради:

1. Сўзма-сўз таржима (word for word translation) услубида аслият тилининг сўз тартиби сақлаб қолинади ва сўзлар контекст нуқтаи назаридан бирма-бир таржима қилинади. Лисоний воситалар луғавий маънолари асосида ўгирилади. Бу усул кўпроқ қардош тилларга таржималарда самарали ҳисобланади.

2. Гапларни бирма-бир таржима қилиш (literal translation) услубида аслият тили грамматик структураси унинг таржима тилидаги энг яқин эквиваленти билан алмаштирилади, аммо лексик birlikлар контекст нуқтаи назаридан бирма-бир таржима қилинади.

3. Аслиятга содиқ ҳолда таржима (faithful translation) услубида таржима тили грамматик структураларини чеклаш орқали аслиятнинг контекстуал маъносини тушунарли яратишга ҳаракат қилинади.

4. Семантик таржима (semantic translation) эса “аслиятга содиқ ҳолда таржима” услуби туридан фақатгина аслият матнининг эстетик қийматини имкон қадар кўпроқ ҳисобга олиши билан фарқ қилади, яъни маъно асосий аҳамият касб этади.

5. Коммуникатив таржима (communicative translation) услубида аслиятнинг аниқ матний маъноси таржима қилиниб, бу усулда таржима мазмуни ва тили ўқувчига тушунарли бўлади.

6. Насрий таржима (plain prose translation) шеърлар ва шеърый асарларни насрий таржима қилишда қўлланади. Одатда шеърый тўртликлар параграфларга айланади, шеърый пунктуация таништирилади, аслият метафоралари ва маданий бирликлари сақлаб қолинади, оҳанг таъсири қайта яратилади. Ўқувчи эквивалент таъсирни ҳис қилмасдан матн маъносини ўқий олади. Насрий таржималар аксарият ҳолларда вариантлари билан параллел равишда нашр қилинади. Сўзлар бирма-бир таққосланади.

7. Академик таржима (academic translation) услуби орқали таржима илмий тадқиқ қилиш мақсадида амалга оширилади.

8. Фонемик таржима (phonemic translation)да аслият тилини таржима тилида айнан аслиятдагидек қайта яратишга мўлжалланади.

9. Метрик таржима (metrical translation) ҳар бир қатордаги бўғинга тушган урғуни таржима тилида қайта яратиш услуби бўлиб, аслият тилидаги шеърый қаторларда кучли ёки кучсиз урғуни қўйиб шеърый вазн яратиш ҳолати таржима тилида ҳам акс этади.

10. Қофияланган таржима (rhymed translation) услубида аслият тилидаги вазн ва қофия таржима тилида ҳам яратилади. Таржима жараёнида мазкур услублар қўлланганда аслият матнининг асосий маъноси, тилнинг ўзига хос қонуниятлари таржиманинг бош мезонлари ҳисобланади.

1. *Муқобилсиз лексика ва лақуналар.* Ҳар қандай тил ёки диалектда бошқа тилга бир сўз билан таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар мавжуд бўлади. Бундай сўзларга муқобилсиз лексика дейилади. Муқобилсиз лексика муайян халқ маданиятига хос ҳодисаларни акс эттиради. У кўпинча маҳаллий халққа хос пул, масофа-узунлик бирликлари, рўзгор ашёлари, кийим-кечак, егулик-ичкилик ва ҳ.к. тушунчаларни англатадиган сўзлардан таркиб топади. Муқобилсиз лексика бошқа тилга ўзлаштирилганда уларга экзотик лексика (экзотизмлар) дейилади. Экзотизмлар ва этнографизмлар ўзга маданиятнинг

рамзи саналади. Жумладан, *спикер, крикет, шиллинг* – Англия; *яйлов, қишлоқ, ариқ, деҳқон, чўл* – Ўрта Осиё; *сакура, гейша, икебана, саке* – япон маданиятининг белгиларини ассоциациялайди. Ўзбек маданиятининг белгиларини *палов, патир, сумалак, кўрпача, белбоғ (белида белбоғи бор), дўппи (дўпписи осмонда, дўппи тор)* ва ҳ.к. сўзларда кўриш мумкин.

Муқобилсиз лексикани бошқа тилга таржима қилиб бериш ўзини оқламайди. Шунинг учун уни транслитерация йўли билан талқин этиш мақсадга мувофиқдир. “Америка Қўшма Штатлари “доллар”ининг, инглиз “фунт стерлинг”ининг, немис “марка”сию ҳинд “рупия”сининг, афғон “афғоний”сининг транслитерация қилинмасдан, ўзбек “сўм”и билан алмаштириб қўйилиши, АҚШ “бренди”си, инглиз “виски”си, немис “шнапсе”сининг рус “водка”си орқали талқин этилиши инглиз бошига “шляпа” ўрнига ўзбек “дўппи”сини, эгнига “палто” ёки “плашч” ўрнига “тўн” ёки “яктак” кийгизиб қўйиш билан баравар”<sup>9</sup>.

Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лакуна ҳодисаси воқеланади. Лакуналар (лот. *ласуна* – бўшлиқ, чуқурлик, чўнқир жой) – матнда бўш қолган, тушиб қолган жой, “тилнинг семантик харитасидаги оқ доғлар”дир<sup>10</sup>. Муқобилсиз лексика сингари лакуналар ҳам тилларнинг қиёсида сезилади. Масалан, инглиз тилида “юрис, адвокат” маъносини англатган *lawyer* сўзидан бошқа адвокатлик касбининг турли-туманлигини ифодалайдиган *атторней* “вакил”, *барристер* “олий судларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган адвокат”, *солиситор* “мижозларга ва ташкилотларга маслаҳат берувчи; қуйи судларда иштирок этиш ҳуқуқига эга”, *соунсел* “юрисконсулт”, *соунселлор* “маслаҳатчи”, *адвокате* “олий даражадаги адвокат” (Великобритания, 1978). Ўзбек ва рус тилларида қайд қилинган ифодаларга фақат бир *адвокат* сўзигина муқобил бўлади.

2. *Мифологиялаштирилган тил бирликлари.* Булар архетиплар ва

<sup>9</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. Дарслик. –Тошкент: Фан, 2005. – Б. 93.

<sup>10</sup> Степанов Ю.С. Французская стилистика. –М., 1965. –С. 120.

мифологемалар, удумлар ва ривоятлар, таомиллар ва урф-одатлар саналади. Ҳар бир аниқ фразеологизмда бутун бошли бир миф эмас, балки мифологема акс этади. *Мифологема* – бу мифнинг “бош қахрамони”, унинг муҳим персонажи ёки вазияти бўлиши ва у мифдан мифга ўтиши мумкин. Мифнинг асосида одатда архетип ётади. *Архетип* – индивидлар онгида пайдо бўладиган ва маданиятда тарқаладиган турғун образ. Архетип тушунчаси К.Г.Юнг томонидан 1919 йилда эълон қилинган «Инстинкт и бессознательное» мақоласида муомалага киритилган. К. Г. Юнгга кўра, барча одамларда туш, мифлар, эртак ва афсоналарда пайдо бўладиган айрим умумий рамзлар – архетипларни ғайриихтиёрий шакллантирадиган туғма қобилият бўлади. Архетипларда шахсий тажриба оқибатида эмас, балки аجدодлардан мерос қилиб олинган «коллектив ғайриихтиёрийлик» ифодаланади. К. Юнг генетик назария доирасида архетипнинг мифология билан чамбарчас боғлиқлигини белгилайди. Бинобарин, мифология архетипларнинг омборидир<sup>11</sup>.

Ўзбек кундалик турмушида нон муҳим озуқа ҳисобланади. Халқимиз нонни азалдан ҳурмат қилади, ҳамма нарсадан афзал, азиз ва муқаддас билади. Ота-боболардан қолиб келаётган удум, анъанага биноан, ҳатто нонни тескари тишламайдилар, ноннинг устига бошқа нарсаларни қўймайдилар, нонни устидан ҳатлаб ўтмайдилар, агар нон қўлдан ерга тушиб кетса, дарҳол уни олиб, уч марта ўпиб, пешаналарига сурадилар, нон ушоқни дастурхон устида кўрсалар бармоқни хўллаб, ушоқ устига босиб, еб қўядилар. Нонга ҳурмат-еҳтиром билан муносабатда бўлиш болаларга ёшлиқдан ўргатилади, уларга ноннинг ушоғини ердан йиғиб олиш, уни эъзозлаш ва оёқ ости қилмаслик зарурлиги уқтирилади. Бирон ўзбек йўлга чиқса, албатта, ўзи билан бирга нон олади. Шунга кўра, таркибида *нон* компоненти иштирок этган *нон емоқ*, *нони бутун*, *нони яримта бўлди*, *нон урсин* сингари фразеологизмларнинг асосида *нон* архетипи ҳаёт, тирикчилик, ризқ-рўз,

---

<sup>11</sup> Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2001. –С.37.



тўкин-сочинлик рамзи сифатида келади. *Нон* архетипи, бинобарин, нонни пешана тери билан топилиши, уни ҳалоллаб ейилиши Муқаддас китоблардан бошлаб (“Сен ердан олингансан ва ерга қайтгунигга қадар пешана тери билан нон еб юрасан”. Ибтидо 3. 620б.), ўзбек халқ достонларида, эртақларида, ривоятларида ва ҳ.к.да уқтирилган.

3. *Тилнинг паремиологик (мақол ва маталлар) фонди.* Тилнинг паремиологик фондини халқ дурдоналаридан тузилган ва унинг маданиятидан мустаҳкам ўрин олган жавоҳир сандиғи дейиш мумкин. Маълумки, мақол ва маталлар фольклоршуносликда жанр матнлари сифатида кенг ўрганилган. Уларни тилшуносликда, хусусан, лингвомаданиятшуносликда ўрганиш энди бошланмоқда. Прагматик нуқтаи назардан мақоллар турли мақсадларда, жумладан, айти мақол кесатиш, юпатиш, ўғит бериш, маслаҳат бериш, сабоқ бериш, огоҳлантириш, таҳдид қилиш ва ҳ.к. қўлланиши мумкин. Бироқ ҳар қандай мақол ва матал ҳам лингвокультурологик тадқиқотларнинг предмети бўлавермайди. Бу ўринда фақат муайян халқ ёки этноснинг тарихи, маданияти, турмуши, маънавияти ва ҳ.к. билан чамбарчас боғлиқ бўлган мақол ва маталлар ўрганилиши лозим бўлади. Масалан, Андижонда меҳмон келган хонадонга ҳурмат юзасидан кўшнилар дастурхон чиқазишади. Шунингдек, ўзбек хонадонларида кўшнилар ўртадаги деворнинг бирор еридан тешик очиб қўйишади. Бу тешик орқали бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашади, тансиқ овқат қилганларида бирон идишда шу овқатдан узатишади. *Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан* мақоли ана шу одатнинг таъсири туфайли юзага келган. Баъзан муайян бир тилнинг реалиялари ана шу тилнинг мақолларида ҳам ўз аксини топиб мажозий маъно касб этади. Масалан, *Бош омон бўлса, дўппи топилар* мақолида ўзбек миллий кийим-кечакларининг атрибути бўлган дўппи реалияси иштирок этган. Мазкур мақол: “Киши учун энг зарур нарса, энг катта бойлик – танисоғлик. Соғлик бўлса, бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин, аммо ҳеч бир нарса билан соғликни топиб бўлмайди” деган маънони ифодалаш учун қўлланилади.

4. *Тилнинг фразеологик фонди* халқ маданияти ва менталитетининг қимматли маълумотлар манбайи саналади. Фразеологизмларда муайян халқнинг мифлари, удумлари, ривоятлари, таомиллари, урф-одатлари, маънавияти, ахлоқи ва ҳ.к. ҳақидаги тасаввурлари мужассамлашган бўлади. Масалан, *кўрпасига қараб оёқ узатмоқ* “имкониятини ҳисобга олиб иш тутмоқ”, *танобини тортмоқ* “фаолият доирасини, имкониятини чеклаб қўймоқ”, *тўйдан илгари ногора қоқмоқ* “рўёбга чиқиши аниқ бўлмаган нарса ҳақида ҳовлиқмалик билан вақтидан олдин гапирмоқ”, *тўнини тесқари кийиб олмоқ* “ўчакишган ҳолда қайсарлик қилмоқ”, *хамир учидан патир* “катта кўп нарсадан бошланғич ва кичик бир қисм”, *хирмон кўтармоқ* “екин-тикинни йиғиб, ҳосил меъёрини ҳисоб-китоб қилмоқ”, *Хўжа кўрсинга* “шунчаки номигагина”, *Хизрни йўқласам бўлар экан* “кимнидир кўриш истаги кўқисдан рўёбга чиққанда айтиладиган ибора”. Бирон тилнинг ўзигагина хос бўлган ҳисоб сўзлари қолипнинг фразеологизмларга кўчганини кўриш мумкин. Масалан, “жуда қисқа, жуда оз вақт давом этадиган” маъносидаги *бир тутам* (*Бир тутам* қиш куни Гулнор учун битмас-тугамас узоқ кўринди), “қиттак, озгина” маъносидаги *бир чимдим* (*Ҳазил-хузул, бир чимдим* суҳбатдан сўнг Мирҳайдар ва Ўктам пахта даласига йўл олдилар), “жиндак, қиттак, жуда оз” маъносидаги *бир шингил* (*Қани, шунақа бемаза ҳазилдан бир шингил* ашула яхши), “жуда ёш, деярли гўдак” маъносидаги *бир қарич* (*Бир қаричлигимдан* етим қолиб, амакининг хизматида ўтиб кетганман) сингари фразеологизмлар шулар жумласидандир.

5. *Ўхшатишлар, рамзлар, стереотиплар.* Ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун улар нутқда ҳамиша бадиий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўхшатишларнинг икки тури: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фарқланади.

Турли лингвомаданиятларда муайян бир нарсанинг, масалан,

хайвоннинг турғун ўхшатиш эталони сифатида қўлланишини кузатиш мумкин. Масалан, аксарият тилларда тулки айёрлик, алдоқчилик, ёлғончилик рамзи, эталони сифатида фаол ишлатилади: *тулкидай айёр, хитрий как лиса* (русча), *as false as fox* (инглизча), *ёу чором* (корейсча). Ёки ўзбек тилининг ўзига хос ўхшатишлари сифатида *қўйдек ювош, арвоқдай озгин, молдек овқат ейди* ва ҳ.к. ни кўрсатиш мумкин.

Мазкур ўхшатиш эталонлари миллий дунёқараш, дунёдаги ҳодисаларни миллий тасаввурларга кўра таққослаш, қиёслаш натижасида шаклланган. Эталонлар дунёнинг образли қиёсланишидир. Тилда эталонлар кўпинча турғун қиёсламалар кўринишида мавжуд бўлади, шунга қарамай, инсоннинг дунёни таққослашдаги ҳар қандай тасаввури ҳам эталон бўлиши мумкин.

Хуллас, ўхшатиш эталонлари предметлар, объектлар ва ҳодисаларнинг хусусиятини, сифатини қиёслайдиган моҳиятдир.

*Рамз* тушунчаси қатор фанлар нуқтаи назаридан турлича талқин қилинади: 1) рамз – белги билан ўхшаш тушунча (тилларни сунъий формаллаштиришда); 2) ҳаётни санъат воситасида образли ўрганишнинг ўзига хослигини ифодаловчи универсал категория (эстетика ва санъат фалсафасида); 3) муайян маданий объект (маданиятшуносликда, социологияда ва бошқа ижтимоий фанларда); 4) рамз белги бўлиб, унинг дастлабки мазмунидан бошқа мазмун учун шакл сифатида фойдаланилади (фалсафа, лингвистика, семиотика ва ҳ.к.). Лингвомаданиятшуносликни рамзнинг белгилик жиҳати қизиқтиради. Масалан, турли маданиятларда *каптар* – тинчлик рамзи, насронийликда Муқаддас руҳ рамзи, *ярим ой* – Ислом рамзи, *Хоч* – насронийлик рамзи саналади. Дарахт, гул, ўсимликлар ҳам рамз сифатида қўлланилади. Жумладан, хризантема Хитойда ўлим, қабристон тушунчаларини ассоциациялайди. Ёки қирққулоқ японлар учун кириб келаётган янги йилда омад тилаш, руслар учун эса ўлим, қабристон белгиси ҳисобланади. Ранглардан ҳам рамз сифатида кенг фойдаланилади. Аксарият халқларда оқ – яхшилик, қора эса – ёвузликни англатса, африкаликлар учун ҳар иккала ранг ҳам нейтрал мазмун касб этади.

*Стеротип* ҳодисаси нафақат тилшуносларнинг ишларида, балки социологлар, этнографлар, когнитологлар, психологлар ва этнопсихоллингвистларнинг ҳам тадқиқотларида ўрганилади. Қайд қилинган фанларнинг ҳар қайси вакили стереотипларнинг хусусиятини ўз соҳасининг тадқиқоти нуқтаи назаридан белгилайди. Шунга кўра, стереотиплар ижтимоий стереотиплар, мулоқот стереотиплари, ментал стереотиплар, маданий стереотиплар, этномаданий стереотиплар ва ҳ.к. га ажратилади. Масалан, ижтимоий стереотиплар шахснинг тафаккури ва муомаласини кўрсатади. Этномаданий стереотиплар бирон бир халққа хос бўлган умумий хусусиятларни ифодалайди. Масалан, немислар тартиблилиги, японлар сермулозаматлиги, турклар ҳиссиётлилиги, қозоқлар қайсарлиги, ўзбеклар меҳмондўстлиги билан бутун халқ ҳақидаги стереотип тасаввурларни юзага чиқарган.

Хуллас, стереотип маданият вакилларининг тафаккури ва тили учун характерли бўлиб, у маданиятнинг вакили ва унинг ўзига хос синчидир. Шунинг учун ҳам стереотип маданиятлараро мулоқотда шахснинг таянчи вазифасини ўтайди.

### **Саволлар:**

1. Коммуникатив таржима услубининг моҳияти нимадан иборат?
2. Аслиятга содиқ ҳолда таржима бу –
3. Метрик таржиманинг асосий моҳияти нимадан иборат?
4. Семантик таржиманинг бош ҳоссасига нималар киради?

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

### 1-мавзу: Таржимага нисбатан қўлланувчи таржима услублари

Таржима матнига нисбатан қўлланувчи услубларда асосан янги яратиладиган таржима матнининг хусусиятига, структурасига, функциясига кўпроқ эътибор қаратилади.

Таржима матнига нисбатан эса қуйидаги услублар қўлланади: 1. Мослаштириш (adaptation) услуби таржиманинг энг эркин тури бўлиб, асосан комедия жанридаги асарларда ва шеърятда фойдаланилади. Таржимон аслиятни имкон қадар таржима тили соҳибларига яқинлаштиришни мақсад қилиб, аслиятга ўта эркин муносабатда бўлади. Одатда, асар мавзуси, қаҳрамонлари, сюжети сақлаб қолинади, аслият тили маданияти таржима тили маданияти билан алмаштирилади ва матн қайта яратилади<sup>12</sup>.

2. Эркин таржима (free translation)да таржима тили матни аслият матнининг услуби, шакли ва мазмунисиз қайта яратилади. Таржимон аслиятнинг мазмунини ўз сўзлари билан содда ва қисқа ҳикоя қилиб беради.

3. Идиоматик таржима (idiomatic translation) услубида аслиятнинг ахбороти қайта яратилади аммо аслиятда мавжуд бўлмаган ибора ва сўзларни танлаш орқали маънонинг кичик фарқини йўққа чиқаришга йўналтирилади. Муаллифнинг индивидуал тасвирини юзага келтирган лисоний воситалар образли иборалар, ҳис-туйғуни ифода этадиган сўзлар, баландпарвоз бирикмалар билан алмаштириб ўгирилади.

4. Ижодий таржима (creative translation)да аслиятнинг лисоний воситалари матний маънолари ва услубий вазифалари умумхалқ тили грамматик қоидалари билан ҳамоҳангликда яратилади.

5. Муаллифлаштирилган таржима (authorized translation)да муаллифнинг розилиги билан асарга ўзгартиришлар, қўшимчалар қўшиш орқали асар таржимаси яратилади.

---

<sup>12</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б.26.

6. Табдил таржима (tabdil translation)да асар таржимоннинг мақсадидан келиб чиқиб, асар содалаштирилиб, қисқартирилиб таржима тилида ҳикоя қилиб берилади<sup>13</sup>.

7. Восита тилдан таржима (Indirect language translation) бу – таржима матни тўғридан-тўғри эмас, балки бошқа тилга қилинган таржима орқали ўгиришдир.

8. Маиший хизмат таржимаси (Service translation) услубида ҳар доим истеъмолдаги тушунча бир тилдан бошқа тилга таржима қилинади. Одатда, таржимада талаб қилинган термин унчалик кўп қўлланмайди, лекин бошқа мамлакатларда амалиёт сифатида керак бўлади.

9. Мантиқсиз таржима (Blank verse translation). Бунда таржиманинг аниқлиги ва бадийликка эришиш муҳим жиҳат, ҳисобланмайди, балки матн структурасини танлаш бўйича таржимон олдида чекловлар мавжуд бўлади.

10. Ахборот таржимаси (information translation) услубида бирор ноадабий матндаги бутун маълумот таржима тилига ўтказилади, баъзида улар кўпроқ мантиқий шаклда бўлади, баъзида таржимада асарнинг қисқача мазмуни изоҳлаб берилади.

11. Когнитив таржима (cognitive translation)да аслият тилидаги маълумот тилнинг грамматикасида акс этиб, таржима тилидаги одатдаги трансформациялар орқали тасвирийликни содалаштириб ўша тилга маълумот ўтказилади. Прагматик компонент семантик ёки коммуникатив таржимани яратишга ёрдам беради.

12. Шарҳлаш (interpretation)да эса мавзу шарҳланади ва қабул қилувчига осонроқ бўлиши учун матн қайта ёзилади. Ушбу таржима услублари таржимон томонидан танланганда таржима матнининг услуби, моҳияти, ўзига хос жиҳатлари кабилар эътиборга олинади.

Сўзлар турли тилларда ўзларининг денотатив маъноларига кўра бир бирига мос тушади, лекин ифода маъноларига кўра фарқ қилиши мумкин. Сўзларнинг ифода маъноларидаги фарқ кўплаб омилларга, жумладан,

---

<sup>13</sup> Мусаев Қ. Ўша асар. – Б.27.

маданий-этнографик хусусиятлар, турли мамлакат халқларининг ўзига хослиги, экологик шароитларнинг ҳар хиллиги, ижтимоий жихатдан жамият аъзоларининг турли қатламларга ажралиши кабиларга боғлиқ бўлади.

Лингвистик адабиётларда “миллий-маданий моҳият”, “миллий ўзига хослик”, “миллий маданиятнинг хусусиятлари”, “миллий-маданий ўзига хослик”, “миллий колорит”, “миллий-маданий семантика, этносемалар ва ижтимоий-маданий маъно”, “миллий ўзига хос маъно”, “миллий алоқадорлик семаси”, “худудий-маданий компонент ёки маданий компонент” терминлари қўлланади. Улар орасида семантикада миллий ўзига хосликни тўлиқ ифодалай оладиган тил бирлиги миллий-маданий ўзига хослик термини ҳисобланади.

Миллий-маданий ўзига хослик тушунчаси орқали семантик лексик бирликларнинг миллий ўзига хос воқелик, халқларнинг ижтимоий-тарихий ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, миллий маданият, анъана ва маросимларнинг маълум бир хусусиятлари тушунилади. Миллий-маданий ўзига хослик тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади: а) миллий-маданий маънога эга лексик қатлам, б) маданий компонентли маънога эга сўз, в) миллий-маданий коннотацияга эга сўз.

Миллий-маданий маъно термини денотатив-сигнификатив маъноли сўзларни билдиради ва мутлоқ миллий-маданий моҳиятни ифодалайди. Масалан, ўзбек тилидаги “*паранжи*” сўзи миллий-маданий маъноли термин ҳисобланади. Бу терминлар гуруҳига муқобили йўқ сўзлар ҳам кириб, бундай сўзларнинг эквиваленти бошқа тилда мавжуд бўлмайди. Улар реалиялар, хос сўзлар деб ҳам аталади.

Маданий компонентли маънога эга сўзлар, одатда, эквивалент лексик бирликлар ҳисобланиб, ўзида миллий маданиятнинг ўзига хос маъносини ифодалайди ва бошқа тилдаги лексик бирликлар билан аталади. Масалан, ўзбек тилидаги “*сандиқ*” сўзининг эквивалентлари инглиз тилида “*chest*”, “*trunk*” сўзларидир. Лекин, уларнинг вазифалари жихатдан бир биридан фарқи мавжуд. Масалан, сандиқнинг ўзбек тилидаги қўшимча вазифаси

маданий компонент маънони ифодалайди. Сандиқ, одатда, уй-рўзғор жиҳози ҳисобланади. Лекин, қадимдан ўзбек халқи сандиқни уйнинг меҳробига жойлаштиради ва устига кўрпа-тўшаклар йиғиб қўяди. Бундан ташқари, ўзбек халқи расм-русумларига кўра, келиннинг ота-онаси келин куёв хонадонига кетаётган пайтда бериладиган “келин сепи” деб аталган турли уй-рўзғор анжомлари, кўрпа-тўшаклар қаторида сандиқ ҳам бўлади. Сандиқнинг мана шу қўшимча маънолари унинг маданий компонент маънолари ҳисобланади.

Миллий-маданий коннотацияга эга сўзлар асосан, стилистик воситалар билан боғлиқ коннотатив маънолар ҳисобланади. Бунда, стилистик воситалар ёрдамида яратилган тасвирий ифода бирликларининг баъзи коннотатив маънолари бошқа тилда учрамаслик ҳолатлари билан боғлиқ. Масалан, инглиз тилида “as light as a feather” (патдек енгил) иборасининг ўзбек тилидаги муқобили “қушдек енгил” ибораси ҳисобланади.

Икки тил ва маданият ўртасидаги тафовутлар таржима жараёнида таржима қийинчиликларини юзага келтириши хусусида О.Мўминов куйидаги фикрларни келтириб ўтади. Тил ўрганувчилар ўрганаётган тил оламини хис қила олгандагина ўша тил алоқа воситаси сифатида ўрганилиши мумкин. Янги маданият ҳақидаги билим ўрганувчиларга ҳорижий тилда эшитган ва ўқиганини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Таржиманинг энг қийин муаммоларидан бири маданиятлар ўртасидаги тафовутларда учрайди. Ҳар қандай маданият вакиллари матн мазмунига ўзларининг дунёқараши нуқтаи назаридан муносабат билдиради. Эквивалентига эга бўлган кўпгина сўзлар таржимада доимо бир бирига мос тушавермайди. Чунки, улар махсус коннотатив маъноларга эга. Масалан, “қўй” сўзи рус тилида салбий коннотатив маънога эга (Ты - баран – сен жудаям аҳмоқ одамсан), аммо ўзбек тилида ушбу сўзнинг ижобий коннотатив маъноси ҳам мавжуд (У қўйдаи юввош). Олим бундан ташқари, халқларнинг маданият жиҳатидан фарқларини сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланишида, жумладан, метафора ва ўхшатиш стилистик воситаларида, фразеологик бирликларда,



хиссий ифода воситаларида ҳам учраши мумкинлигини мисоллар орқали тушунтириб берган<sup>14</sup>. О.Мўминовнинг фикрига қўшилган ҳолда инглиз ва ўзбек халқлари маданиятида ҳам фарқли жиҳатлар мавжудлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бунга сабаб икки халқнинг турли географик минтақада истиқомат қилиши ва шунинг натижасида уларнинг тафаккури ва олами идрок этиши турлича бўлишидадир.

О.Мўминов тил ва маданият масаласига тўхталиб, “ўзбек, инглиз ва рус тилларида ранглар ва осмон жисмларининг коннотатив маъноларидаги фарқларини, ўзбек тилидаги “бормоқ” феълининг маънолари ушбу феълнинг инглиз тилидаги эквиваленти “to go” феълининг маъноларига тўлиқ мос келмайди” деган фикрни билдириб ўтган<sup>15</sup>. Олимнинг фикрича, “қуёш” ва “ой” сўзлари турли тилларда коннотатив маънода одамларнинг ижобий характерини ифодалайди. Шимолий минтақаларда яшовчи инсонлар қуёш сўзининг маъносини ҳаёт манбаи, қувонч сифатида тушунишса (“*Моё солнышко – менинг қуёшим*”), жанубий минтақаларда яшовчи одамлар ҳудди шундай коннотатив маънони ой сўзи билан ифодалайди (“*Менинг осмондаги ойим*”, “*ойдек қиз*”). Демак, халқларнинг маданиятидаги фарқлар нафақат географик жойлашувга, балки халқ тафаккури ва тилининг ички имкониятларига ҳам боғлиқдир.

### Саволлар:

1. Таржима матнига нисбатан қўлланувчи услубларнинг ўзига хосликлари нималардан иборат?
2. Муаллифлаштирилган таржима услубининг моҳияти нимадан иборат?
3. Кокнитив таржима бу –
4. Тадбил таржима деганда нимани тушунаси?

---

<sup>14</sup> Muminov A. A Guide to Consecutive translation. – Т.: Tafakkur bo’stoni, 2013. – pp. 17-21.

<sup>15</sup> Muminov O.M. Words as carriers of culture meaning// Modern Trends in Teaching Foreign Languages: Achievements, Challenges and Solutions. International Conference Proceedings. May 13-14, 2017. – Т.: – pp. 209-212.

## 2-мавзу: Таржима стратегия ва унинг таржимон учун аҳамияти

А.Хуртадонинг фикрича, “таржима методи, таржима стратегияси ва таржима трансформацияси бир-биридан фарқ қиладиган категориялардир”<sup>16</sup>. Унинг фикрига қўшиламыз, чунки таржима жараёнида мазкур терминлар вазифаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади, яъни таржима методи бутун матнга нисбатан, таржима трансформацияси матндаги кичик лексик бирликларга нисбатан танланади. Таржима стратегияси юқоридаги танловларни режалаштиришни белгилаб беради.

Стратегия тушунчасининг OALD луғатидаги изоҳига эътибор қаратадиган бўлсак, бу тушунчанинг қуйидаги таърифлари мавжуд:

1. Маълум бир мақсадга эришишни кўзлаб тузилган бирор режа.
2. Бирор нарсани режалаштириш жараёни ёки режани амалиётга жорий этиш.
3. Уруш ёки жангда армияни кўчириш учун режа тузиш малакаси<sup>17</sup>.

Бундан шуни англашимиз мумкинки, таржима стратегияси таржимоннинг ўз фаолиятини амалга оширишда тузиладиган режалар мажмуидир. Бу фикрларни Крингснинг таржима стратегиясига берган қуйидаги таърифида ҳам кўриш мумкин: “Таржима стратегияси таржиманинг мақсади доирасида юзага келадиган аниқ таржима муаммоларининг ечимини топиш учун таржимоннинг онгли равишда тузган яширин режалари”<sup>18</sup>. Венути эса таржима стратегиясини “чет тил матнини таржима қилиш учун бирор методни танлаш”,<sup>19</sup> дея таъкидлайди. Бу борада Крингснинг таржима стратегияси хусусидаги мулоҳазалари Венутининг фикрига нисбатан ўринли. Бир сўз билан айтганда, таржима стратегияси таржима бошланишидан олдин ва жараёнда тузиладиган режа бўлиб, бунга кўра, таржимон ўқувчининг мақсади, мавқеи, билим даражаси, аслият матнининг услуби каби омилларни ўрганиб чиқиб, матнни ўгириш учун метод ва матндаги кичик бирликлар учун трансформация танлашни ўз ичига олади.

<sup>16</sup> Hurtado A. La traductología: lingüística y traductología, Trans 1., 1996. – pp.151-160.

<sup>17</sup> Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.1516.

<sup>18</sup> Krings, H.P. Translation problems and translation strategies of advanced German learners of French. Interlingual and intercultural communication. – Tübingen: Gunter Narr, 1986. – pp. 263-75.

<sup>19</sup> Venuti L. Strategies of translation. Encyclopedia of translation studies. – London and New York: Routledge, 1998. – pp. 240-244

Таржима стратегияси термини дунё таржимашунослигида кўпроқ стилистик усулларни таржима қилиш усуллари сифатида қаралади. Шу нуқтаи назарда таржима стратегиясини стилистик усуллар ва улар таржимасида қандай стратегиялар мажбур эканлигига эътибор қаратамиз. Метафорани таржима қилиш бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Улардан бири Е.Найда томонидан таклиф қилинган ёндашув бўлиб, унга кўра “таржимон метафора билан боғлиқ таржима муаммосини ушбу стилистик воситани метафора тарзида таржима қилмаслик орқали баргараф этади”<sup>20</sup>. Клопернинг фикрига кўра, “барча инсонлар учун бир хил тасаввур структурасига эга метафоралар таржимасида сўзма-сўз таржима стратегиясидан фойдаланилса, осон таржима қилинади”<sup>21</sup>. Мейсоннинг таъкидлашича, “метафорани таржима қилишга доир муаммо унинг табиати билан эмас, балки аслият ва таржима тиллари ўртасидаги маданий фарқларга боғлиқ ва шунинг учун уни таржиманинг умумий муаммоларидан бири сифатида кўриш керак”<sup>22</sup>. Мейсоннинг фикрига қўшилган ҳолда метафорани таржима қилишда нутқнинг тасвирий ифодавийлиги билан бир қаторда икки халқ маданиятини ҳам эътиборга олиш керак.

Аслият матнидаги метафорик ифодани тўғридан тўғри ўтказиш фақатгина таржимоннинг танловига боғлиқ эмас. П.Ньюмарк метафорани таржима қилишнинг саккизта стратегиясини таклиф этган бўлиб, улар куйидагилар: ўзига хос тил услубида қиёсланиш имкониятига эга бўлган ифодани таржима тилида қайта яратиш; аслият тилидаги ифодани таржима тили маданиятига мос тушадиган стандарт таржима тили ифодаси билан алмаштириш; метафорик ифодани сақлаган ҳолда ўхшатишдан фойдаланиб таржима қилиш; метафорани ўхшатиш билан маъно уйғунлиги орқали таржима қилиш; метафоранинг моҳиятини очиб бериш; метафорани қисман ўзгартириш; метафорани таржимада тушириб қолдириш мазмунидан

---

<sup>20</sup> Nida E. Towards a science of translating, with special reference to principles and procedures involved in bible translating. – Leiden: E. J. Brill, 1964. – P.220.

<sup>21</sup> Gentzler E. Metaphor and Translation. Encyclopaedia of Literary Translation into English Vol. 2. – London: Fitzroy Dearborn Publisher, 2000. – pp. 941-945.

<sup>22</sup> Mason K. Metaphor and Translation. Babel 28 (3): 1982. – pp. 140-149

фойдаланган ҳолатда худди шундай метафора яратиш.<sup>23</sup> Фикримизча, П.Ньюмарк таъкидлаган бир неча стратегиялар латифалар таржимасида ҳам ўз самарали ҳисобланади.

К. Шафнер метафорани таржима қилиш бўйича уч асосий стратегияни таклиф этади. Улар: метафорани сўзма-сўз таржима қилиш, метафорани бошқа метафорага айлантириш, метафоранинг маъносини таржимада акс эттириш.<sup>24</sup> К.Шафнер томонидан таклиф этилган стратегиялар орасида метафорани сўзма-сўз таржима қилиш ва метафоранинг маъносини таржимада акс эттириш аҳамиятлидир.

Т. Добрзинска таржимонлар метафорани таржима қилишда қуйидаги стратегияларни таржимларда акс эттиришлари керак, деган фикрни таъкидлайди. Бу стратегиялар таржима матнида аслият матнидаги метафоранинг аниқ эквивалентидан фойдаланиш, худди шундай маъно берувчи бошқа метафорик иборани танлаш, метафорани перифраза қилиш кабиларда намоён бўлади.<sup>25</sup> Демак, матнда умумбашарий тасаввурга эга метафора қўлланган бўлса, сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланиш, метафорани худди шундай метафорага айлантириш каби стратегиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таҳлилга тортилган “*Қозон ҳам ўладими?*”<sup>26</sup> сарлавҳаси остидаги латифада худди шундай метафоралар қўлланган бўлиб, улар юқорида таъкидланган стратегиялар орқали таржима қилинади.

Аслият матнида миллий маданиятни акс эттирувчи метафоралар қўлланган бўлса, таржима жараёнида аслият тилидаги ифодани таржима тили маданиятига мос тушадиган стандарт таржима тили ифодаси билан алмаштириш, мазмунидан фойдаланган ҳолатда худди шундай метафора

---

<sup>23</sup> Newmark P. The Translation of Metaphor. *The Ubiquity of Metaphor: Metaphor in Language and Thought*. – Amsterdam: John Benjamins, 1985. – pp. 295-326.

<sup>24</sup> Schäffner C. A roof is an umbrella: metaphor, culture and translation. *Identity and Difference – Translation Shaping Culture*. – Bern: Peter Lang AG, 2005. – pp. 49-78.

<sup>25</sup> Dobrzynska T. Translating metaphor: problems of meaning. *Journal of Pragmatics* 24 (6): 1995. – pp. 597-603.

<sup>26</sup> Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 64

яратиш, метафора маъносини таржима тилида акс эттириш каби стратегиялар қўлланади.

### **Саволлар:**

1. Стратегия тушунчасининг моҳияти нимадан иборат?
2. Таржима стратегияси билан таржима услубининг фарқи нимада?
3. Метафора стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари нималардан иборат?
4. Таржимоннинг технологик компетенцияси ҳақида нималарни биласиз?

### **3-мавзу: Грамматик трансформациялар**

Таржимашуносликда матннинг кичик бирликларини ўгириш учун қўлланадиган методлар таржима усуллари (translation techniques, translation tools), таржима жараёнлари (translation procedures) ва таржима трансформациялари (translation transformations) терминлари билан талқин қилинади. Хусусан, Винье ва Дарбелнье, П.Ньюмарклар бу тушунчаларни таржима жараёнлари деб талқин этишса, Э.Азнаурова, Л.Бархударов, В.Комиссаров ва Н.Қамбаровлар таржима трансформациялари деб таъкидлашади. Молина ва Хуртардо Албир, М.Ордударилар бу тушунчаларга нисбатан таржима усуллари терминини қўллайдилар. Биз эса, Э.Азнаурова, Л.Бархударов, В.Комиссаров ва Н.Қамбаровларнинг фикрига таянган ҳолда матннинг кичик бирликларини ўгиришга мўлжалланган таржима методларига нисбатан таржима трансформациялари терминини қўлладик.

Таржима **трансформацияларини** илк бор Винье ва Дарбелнье аниқ методологик мақсадга кўра таснифлаган<sup>27</sup>. Улар “procédés techniques de la traduction” терминини қўллашган. Бундан кўриниб турибдики, улар томонидан “таржима жараёни (translation procedure)” термини қўлланган.

---

<sup>27</sup> Vinay, J, J. Darbelnet. Stylistique comparée du français et de l'anglais. –Paris: Georgetown University Press, 1977. – pp. 47-51.

Олимлар трансформацияларни уч сатҳда (лексик, морфологик ва синтактик, ахборот) қўлланадиган жараёнлар деб тавсифлашган. Уларнинг фикрига кўра, трансформациялар *literal* (сўзма-сўз) ва *oblique* (маъновий) таржима турларига бўлинади. Сўзма-сўз таржима икки тил ўртасидаги аниқ структурал, лексик ва ҳатто морфологик эквивалентлик мавжуд бўлганда қўлланади. Муаллифларнинг фикрларига кўра, бу фақатгина бир-бирига жуда яқин икки тил ўртасидаги таржимада қўлланиши мумкин. Қуйида Винье ва Дарбелнье томонидан таклиф қилинган сўзма-сўз таржима трансформацияларини келтириб ўтамыз: сўз ўзлаштириш (*borrowing*), калькаш (*calque*), гапларни бирма-бир таржима қилиш (*literal translation*). Маъновий таржима трансформацияларига қуйидагиларни киритган: Транспозиция (*transposition*), модуляция (*modulation*), эквивалентлик (*equivalence*), мослаштириш (*adaptation*), компенсация (*compensation*), жамлаш ва қисмларга ажратиш (*concentration vs. dissolution*), кенгайтириш ва торайтириш (*amplification vs. economy*), кучайтириш ва камайитириш (*reinforcement vs. condensation*), эксплицит ва имплицит (*explicitation vs. implicitation*), умумийлаштириш ва тавсифлаш (*generalization vs. particularization*, инверсия (*inversion*).

II. Ньюмарк эса таржима методлари ва усуллари ўртасидаги фарқни тушунтириб ўтган ҳолда қуйидагиларни таржима трансформацияларига киритади: трансференция (*transference*), натурализация (*naturalization*), маданий эквивалент (*cultural equivalent*), тасвирий эквивалент (*descriptive equivalent*), компонент таҳлил (*componential analysis*), синонимлик (*synonymy*), тўлиқ таржима (*through-translation*), ўзгаришлар ёки транспозициялар (*shifts or transpositions*), модуляция (*modulation*), расмий услуб таржимаси (*recognized translation*), ўрнини тўлдириш (*compensation*), перифраза (*paraphrase*), бирлашма (*couplets*), эслатмалар (*notes*)<sup>28</sup>.

Э.Азнаурова раҳбарлигида бир гуруҳ муаллифлар лексик ва грамматик трансформациялар ҳақида маълумот бериб ўтган. Э.Азнаурова лексик

---

<sup>28</sup> Newmark P. *Approaches to Translation*. – Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. –pp. 80-91.

трансформацияларга қуйидагиларни киритган: лексик алмашинувлар, антонимик таржима, компенсация, сўз қўшиш ва сўз тушириб қолдириш. Грамматик трансформацияларга эса алмаштириш, ўзгариш, сўз тушириб қолдириш ва сўз қўшишларни киритган. Ўзига хос реалияларни таржима қилиш учун транслитерация, она тилидаги морфологик алоқадорлик ёки белгилар асосида бирор предметни ифодалаш учун янги ёки қўшма сўз яратиш ва бошқа тилнинг реалиясига яқинроқ сўздан фойдаланиш каби таржима трансформацияларини киритган. Муқобилсиз фразеологик бирликлар таржимасида қўлланадиган таржима трансформацияларига сўзма-сўз таржима, аналог таржима йўли билан ўгириш ва тасвирий таржималарни киритган<sup>29</sup>.

Л.Бархударов таржима жараёнида қўлланадиган трансформацияларни тўрт турга бўлади: 1) жойни ўзгартириш; 2) сўз алмаштириш; 3) сўз қўшиш; 4) сўзни тушириб қолдириш<sup>30</sup>.

В.Комиссаров эса таржима трансформацияларини умумий равишда учга: лексик, грамматик ва лексик-грамматик турларга бўлади<sup>31</sup>. Лексик трансформациялар: 1. Транскрипция ва транслитерация усули. 2. Калькалаш усули. 3. Лексик-семантик алмашинув (аниқлик киритиш, умумлаштириш, модуляция) усули. Грамматик трансформациялар: 1. Синтактик ўхшатиш (сўзма-сўз таржима) усули. 2. Жумла тузилишини ўзгартириш (жумлаларни бўлиш ёки бирлаштириш) усули. 3. Грамматик алмаштиришлар (сўз шакли, нутқ бўлаги ёки гап бўлақларини алмаштириш). Комплекс лексик-грамматик трансформациялар: 1. Антонимик таржима усули. 2. Экспликация (мазмунини очиш) усули. 3. Компенсация усули.

**Гапларни бирма-бир таржима қилиш (literal translation).** Бунда сўзлар, гаплар сўзма-сўз таржима қилинади, грамматик структура сақлаб қолинади. М: I have talked to my friend – Мен дўстим билан суҳбатлашдим, It goes without saying – Ўз-ўзидан маълум.

<sup>29</sup> Aznaurova E.S, Abdurakhmonova Kh.I, .... Translation theory and practice. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – pp. 9-23.

<sup>30</sup> Бархударов Л.С. Язык и перевод. –М.: ИМО, 1975. – С.190.

<sup>31</sup> Комиссаров В. Теория перевода. – М.: ИМО, 1990. – С. 172.

**Транспозициялар (transpositions).** Бунда сўз туркумининг ўзгариши, яъни феъл отга, от предлогга ўзгариши<sup>32</sup>. Таржима жараёнида инглиз тилидаги феъл ўзбек тилида отга ўзгарариши мумкин. Бу жараён аслият тилидан таржима тилига грамматик ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади. Жумладан, (1) бирлик шаклнинг кўпликага ўзгариши, (2) ўзига хос аслият тили структураси таржима тилида мавжуд бўлмаса, ўзгартириш талаб қилинади, (3) аслият тилидаги феъл таржима тилида отга ўзгаради, аслиятда кўplik шаклидаги от бирликка ўзгаради ва бошқалар.

**Тушириб қолдирилган сўз ўрнини қоплаш (compensation).** Аслият матнидаги маълумотнинг бирор лексик бирлиги ёки стилистик таъсири таржима матнида айнан ўз жойида эмас, балки матннинг яна бошқа бир жойида қайта яратилади ва тасвирий ифода оширилади. М: Киплингнинг “Jungle Book” асаридаги қуйидаги гапга эътибор қаратинг: I was seeking thee, Flathead. Ушбу гап сўзма-сўз таржимада ўзбек тилига “Мен сени қидиряпман, Яссибош” деб таржима қилинади. Лекин компенсация усули билан таржима қилинганда у қуйидагича талқин этилади: *Мен сен Яссибошни қидиряпман.* Бу ерда инглиз тилидаги thee “you” олмошини архаик кўриниши ва “сен” олмошини “Яссибош” сўзининг олдига қўйганимизда стилистик бўёқдорлик янада ошади.

**Кенгайтириш (amplification).** Бу таржима тилида синтактик ва лексик бўшлиқларни йўқотиш учун кўпроқ маънога эга тушунчалардан фойдаланишдир. М: He talked himself out of a job – У ўзининг ишсиз юрганлигини гапирди. Бу ерда ўзбек тилидаги таржимага “юрғанлигини” сўзини қўшиб синтактик бўшлиқ бартараф этилган.

**Торайтириш (economy).** Бу усул тилшуносликда лисоний тежамкорлик тушунчасига яқин бўлиб, ифодани камроқ лексик бирликлар билан тушунтиришга мўлжалланади. М: We’ll price ourselves out of the market - Бозор нархида тўламаймиз.

---

<sup>32</sup> Lucía M, Hurtado A. Translation Techniques Revisited: A Dynamic and Functionalist Approach. – Meta: Translators’ Journal, vol. 47, № 4. 2002. – pp. 498-512.



**Сўз тартибини ўзгартириш (inversion).** Бунда бирор гап ёки параграфдаги сўз ёки иборани бошқа жойга олиб ўтиш ва таржима тилида аслиятдагидек талқин этиш. М: Pack separately ... for convenient - назорат қилишга қулай бўлиши учун алоҳида – алоҳида қилиб жойла.

**Антономик (тескари) таржима (antonymous translation).** Бунда аслиятдаги тасдиқ шаклидаги фикр таржима тилида инкор шаклда ёки аксинча берилишини ифодалайди. М: take it easy – ҳаяжонланманг.

#### **Саволлар:**

1. Таржима трансформацияси нима?
2. Таржима услуби ва трансформациясининг фарқини айтинг.
3. Инверсиянинг асосий моҳиятини кўрсатинг?
4. Кенгайтириш таржима усулининг моҳиятини очиб беринг.

#### **4-мавзу: Лексик трансформациялар**

Н.Қамбаров таржима трансформацияларидан фойдаланиш салмоғи аслият ва таржима тилларининг бир - бирига қардош ёки қардош эмаслигига боғлиқлиги, уларни таржима муносабати билан контактга кирган икки тил (аслият ва таржима)нинг типологик, стилистик, лингвостилистик, прагматик, лингвопрагматик, лингвокультурологик, социолингвистик ҳамда лингвотекстологик хусусиятларидан келиб чиқиб танланаши борасида ўз фикрларини билдириб ўтган. Олимнинг фикрича, таржима жараёнида энг кўп қўлланадиган таржима трансформациялари: сўз тартибининг ўзгариши, сўз қўшиш, сўзни тушириб қолдириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, калькалаш, тасвирий таржима усуллари кабилар ҳисобланади. Трансформациялар сонининг кам бўлиши тилларнинг бир-бирига яқинлигидан, трансформациялар миқдорининг кўплиги тилларнинг бир-биридан узоқ эканлигидан далолат беради<sup>33</sup>. Биз ҳам шу фикрга қўшиламыз, чунки тилларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари салмоқли бўлган ҳолатларда

---

<sup>33</sup> Қамбаров Н.М. Таржима трансформациялари ва тил контактлари (назарий масалалар). Fledu.uz Ўзбекистонда хорижий тиллар электрон журнали. – Т.: 2016.

таржима трансформациялари фаол қўлланилади. Бу нафақат тиллар ўртасидаги фарқлар, балки маданиятлар ўртасидаги фарқли жиҳатлар билан ҳам боғлиқ.

1. Сўз ўзлаштириш (borrowing). Бунда таржима жараёнида бир сўз бир тилдан бошқа тилга тўғридан-тўғри олиб ўтилади. Инглиз тилидаги bulldozer сўзи инглиз тили орқали рус тилидан ўзбек тилига кириб келган.

2. Калькаш (calque). Хорижий тил сўзи ёки ибораси бошқа тилга таржима қилинади ва шу тил таркибига кириб кетади. Бунда аслият тилидаги лексик бирликнинг ўзига хос бўлган белгиларидан фойдаланиб таржима тилида эквивалент сўз яратиш учун сўзма-сўз таржима қилинади. М: mass media – оммавий ахборот воситалари термини калькаш усули орқали таржима қилинган.

3. Эквивалентлик (equivalence). Бунда худди шундай вазият учун бутунлай бошқа муқобил ибора ишлатилади, яъни мақоллар ёки идиоматик ифода воситалари буларга мисол бўла олади. М: To cross the floor of the House - Бир партиядан бошқа партиёга ўтиб кетмоқ.

4. Маданий эквивалентлик (cultural equivalence). Бунда таржимон аслият тилидаги маданий сўзни таржима тилидаги маданий сўз билан алмаштиради. М: as strong as a horse – филдай бақувват.

5. Тасвирий эквивалентлик (descriptive equivalence). Бу усулда лексик бирликни билдирувчи сўзнинг маъноси бир неча сўзларда тушунтирилади. М: petrol, gasoline station – автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси.

6. Функционал эквивалентлик (functional equivalence). Бунда таржима тили лексикасида сўз аслият тили лексикасидаги бир хил вазифани бажарувчи матн услубига мос келадиган сўз билан алмаштирилади. М: sheriff – мингбоши.

7. Шаклий эквивалентлик (formal equivalence) ёки лингвистик эквивалентлик (linguistic equivalence). Бунда ҳар бир сўз алоҳида-алоҳида таржима қилинади. М: He mentioned that he had found the solution of the problem – У муаммонинг ечимини топганини таъкидлаб ўтди.

8. Мослаштириш (adaptation). Бу усулда, одатда, бирор термин махсус аудитория ёки таржимоннинг махсус мақсади учун кўпроқ мос келадиган матн яратиш учун керак бўладиган ўзгаришлар амалга оширилади. Бу ҳолатда таржимон матнни ўқувчилар аудиториясига мослаштиради. М: Французлар учун cycling, инглизлар учун cricket, америкаликлар учун baseball (Бу сўзлар ушбу ҳалқларда кенг тарқалган ва ҳамма учун таниш).

Таржимашунос олимларнинг таъкидлашича, маданият компонентига эга бўлган лексик бирликларни таржима қилишда қуйидаги таржима усуллари қўлланади:

Транслитерация - бирор ёзув ҳарфларини бошқа ёзув ҳарфлари билан бериш, кўрсатиш. Таржимада жой ва киши номлари, турли атамалар ва миллий хос сўзларни бошқа тил белгилари ёрдамида айнан ифодалаш. Масалан: жигит, султан, кишлак, каса, пияла. Ойбекнинг “Навоий” романи русча ва франсузча таржимасида “девон”, “парвоначи” каби терминлар транслитерация қилиб берилган.

Албатта, транслитерациядан кейин кўпинча матн остида изоҳ берилади. Масалан, Парда Турсун франсуз адиби Эмил Золянинг “Тегирмон қамали” повести таржимасида франк, мер каби тушунчаларни айнан қолдириб, матн остида уларга изоҳ беради: Франк - “Ўтган асрдаги франсуз пул бирлиги, бир франк русларнинг 37 тийинига тенг бўлган”. Мэр - “Қишлоқ ёки шаҳарни бошқарувчи қилиб сайланган киши, айни вақтда, ҳукумат чиновниги ҳам бўлган”. Мопассаннинг “Туан” новелласи таржимасида дастлаб “лө” ўлчов бирлигини “ўнтош” деб олган бўлса, кейин ўзини қолдириб, унга изоҳ беради: “Лө тахминан 4 км.га тенг бўлган франсуз ўлчов бирлиги”<sup>34</sup>.

“Транслитерация қўлланилиши таржима тилида реалияларга тўғри эквивалентларнинг йўқлиги билан шарҳланади. Бу ҳол, биринчидан, икки халқнинг тараққиёт йўллари ва ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари турлича бўлганлиги, иккинчидан, реалияларнинг кўп

---

<sup>34</sup> Холбеков М. Парда Турсун – франсуз адабиётининг таржимони // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). 127-128-бетлар.

ишлатилиши таржима тили уларни ҳазм қила олмаслиги ва ўқувчи учун реалиялар ажиб тушунмовчиликлар келтириши билан тушунилади”<sup>53</sup>. Шунинг учун ҳам Ў.Аъзамов Абдулла Ўодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи русча таржимасида ўзбек турмуши билан боғлиқ хола, опа, дада, девор, бўйра, чойдиш, йўлак сўзларининг рус тилига тўғридан-тўғри кўчирилганини танқид қилади. “Тўғри, транслитерация методидан ҳозир ҳам фойдаланилади, лекин бу усулнинг нозиклиги шундаки, меъёр бузилса, реалиялар миллий ўзига хослик белгилари эмас, балки унга ёт бўлган экзотик белгиларга айланади, китобхонни чалғитади. Реалиялар эквивалент топилмаганда ва таржима қилишнинг иложи бўлмагандагина транслитерация қилиниши мумкин”.

1. Транслитерация воситасида тил хазинаси бойийди - янги сўзлар, терминлар, тушунчалар кириб келади.

2. Бир пайтлар транслитерация воситасида кириб келган сўз кейинчалик тилга сингиб кетиши мумкин.

3. Транслитерацияда ҳам муайян меъёр бўлиш керак (масалан: милорд - мой принс - шаҳзодам, господин - жаноб, ассалому алайкум - здравствуйте).

2. Аналогия - ўхшашлик, бир-бирига ёки бошқасига ўхшашлик, яъни муқобил тушунча билан бериш. Масалан: Ойбекнинг “Навоий” романи русча таржимасида “шолча” - “палас” деб ўтирилган. Пушкиннинг “Эвгений Онегин” шеърининг таржимасида “рождество” - “йилбоши” деб олинган. Бунда сўзларнинг маъноси умуман тўғри берилган бўлса-да, миллий-тарихий колорит йўқолган. Э.Воҳидов Гётенинг “Фауст” асари таржимасида “юристар”ни - “уламо”, “магистрлар”ни - “фузало” деб бериши ҳам тўғри эмас.

Аналогия усули “яқин таржима” деб ҳам аталади. Лекин бу термин номининг ўзиёқ асл нусхадаги миллий хос сўзларнинг барча вазифаларини, маъно қирраларини тўлиқ ифода этмаслигини кўрсатиб турибди: ўхшаш ўхшаш-да - айнан ўзи эмас!

3. Янги сўз ва сўз бирикмаси яратиш - баъзи таржимонлар миллий хос сўз ва ибораларни, ном ва тушунчаларни таржима қилиб оладиларки, бу ҳол кўпинча ўзини оқламайди. Масалан, М.Кенжабек “Эвгений Онегин” таржимасида “тройка”ни - “учот”, “котлет”ни - “қийма эт” сифатида таржима қиладики, бунда термин ифодалаган маъно берилиб, терминнинг ўзи қурбон қилинади. Ёки “Крешенскиэ вечери” маросимини - “хайит шоми”, “муқаддас шомлар” деб беради. Ҳолбуки, бу насронийларга хос бут ювиш байрам оқшоми ҳисобланади. Шунга ўхшаб, “палов”ни - “рисовая каша”, “пирог”ни - “сомса”, “коса”ни - “глубокая тарелка”, “каша”ни - “шовла”, “ший”ни - “шўрва” деб ўгириш ҳам ўзини оқламайди.

Маданий эквивалентлик. Бунда таржимон аслият тилидаги маданий сўзни таржима тилидаги маданий сўз билан алмаштиради. М: as strong as a horse – филдай бақувват.

Тасвирий эквивалентлик. Бу усулда лексик бирликни билдирувчи сўзнинг маъноси бир неча сўзларда тушунтирилади.

Функционал эквивалентлик. Бунда таржима тили лексикасида сўз аслият тили лексикасидаги бир хил вазифани бажарувчи матн услубига мос келадиган сўз билан алмаштирилади. М: sheriff – мингбоши.

Сўз мақомини бошқа тил хусусиятига мослаштириш. Бу усулда тилда янги сўзлар ассимиляцияси ҳодисаси содир бўлади, яъни таржимон аслиятдаги сўзни биринчи одатий талаффузига кўра, кейин таржима тилнинг одатий морфологиясига кўра мослаштиради. Бу усулни транскрипция ва транслитерация усулларининг синоними десак ҳам бўлади.

Бошқа сўзлар билан ифодалаш. Бунда маданий бўёқдорликка эга сўзнинг маъноси тушунтирилади. Бу усулда изоҳ тасвирий эквивалентликдан кенгроқ, батафсил баён этилади. М: белбоғ - it is piece of material sewed in form quadrangle kerchief and you wear around the waist.

Эслатмалар (Notes). Эслатмалар, асосан, таржима тили ўқувчисига тўлиқроқ маълумот бериш мақсадида муқобили йўқ лексик бирликлар, миллий реалиялар ва лақуналар билан боғлиқ бўлиб, таржималарда саҳифа

пастиди, бобнинг охирида ёки китобнинг охири саҳифаларида берилади. М: Samurai – Қадимги япон империяларида жанг санъати усталари, жангчилар. Одатда, миллий-маданий лексик бирликларни эслатмалар орқали беришнинг тўрт тури мавжуд: а) Ўзгартириш усули орқали: У олча емоқда – He is eating a fruit called olcha. б) Сўз шакли ёки вазифасини тасвирлаш усули орқали: The queen of the UK came to India – the woman who ruled the UK came to India. в) Тасвирий таржима усули орқали: Рамазон ҳайитида Ўзбекистонликлар ишга бормайдилар, дам оладилар – The people of Uzbekistan do not go to work and have a rest in Ramadan – Khait which is a holiday of moral purification and spiritual revival. г) қиёслаш усули орқали: Мен гуммани пишира оламан – I can prepare gumma like patty in England.

#### **Саволлар:**

1. Мослаштириш таржима трансформацияси бу –
2. Лексик трансформацияларнинг асосий классификациясини кўрсатинг?
3. Функционал эквивалентликнинг асосий моҳияти нимадан иборат?
4. Маданий эквивалент деганда нимани тушунасиш?

#### **5-мавзу: Лингвокультурологик трансформациялар**

Лингвокультурология – лингвистика ва маданиятшунослик ўртасида вужудга келган янги мустақил фан бўлиб, у халқлар маданиятининг вужудга келиш тарихи ва унинг тилда акс этиш қонуниятларини ўрганади.

Лингвокультурологиянинг тадқиқот объекти сифатида қуйидаги масалалар билан шуғулланади:

- 1) муқобилсиз лексика ва хос сўзлар (реалия);
- 2) мифология, урф-одат, анъана, маросимлар;
- 3) метафора, тилнинг тасвирий ва образли воситалари;
- 4) фразеологик бирликлар;
- 5) тилдаги эталон, стереотип ва рамзий воситалар;
- 6) нутқ маданияти, нутқ одоби (В.Воробьев, В.Маслова).

Таржимада маданий компонентга эга бўлган, миллий-маданий маънони ўзида акс эттирадиган лексик бирликлар мавжудки, уларни таржима қилишда лингвокультурологик трансформациялардан фойдаланиш катта самара беради.

1. Маданий эквивалентлик (cultural equivalence). Бунда таржимон аслият тилидаги маданий сўзни таржима тилидаги маданий сўз билан алмаштиради. М: as strong as a horse – филдай бақувват.

2. Тасвирий эквивалентлик (descriptive equivalence). Бу усулда лексик бирликни билдирувчи сўзнинг маъноси бир неча сўзларда тушунтирилади. М: petrol, gasoline station – автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси.

3. Функционал эквивалентлик (functional equivalence). Бунда таржима тили лексикасида сўз аслият тили лексикасидаги бир хил вазифани бажарувчи матн услубига мос келадиган сўз билан алмаштирилади. М: sheriff – мингбоши.

4. Шаклий эквивалентлик (formal equivalence) ёки лингвистик эквивалентлик (linguistic equivalence). Бунда ҳар бир сўз алоҳида-алоҳида таржима қилинади. М: He mentioned that he had found the solution of the problem – У муаммонинг ечимини топганини таъкидлаб ўтди.

5. Мослаштириш (adaptation). Бу усулда, одатда, бирор термин махсус аудитория ёки таржимоннинг махсус мақсади учун кўпроқ мос келадиган матн яратиш учун керак бўладиган ўзгаришлар амалга оширилади. Бу ҳолатда таржимон матнни ўқувчилар аудиториясига мослаштиради. М: Французлар учун cycling, инглизлар учун cricket, америкаликлар учун baseball (Бу сўзлар ушбу ҳалқларда кенг тарқалган ва ҳамма учун таниш).

6. Транскрипция (transcription). Транскрипцияда аслият тилидаги сўз унинг бевосита талаффуз шаклига кўра таржима тилида қайта тикланади. М: sweater - свитер.

7. Транслитерация (transliteration). Бунда аслият тилидаги сўз унинг график шаклига кўра таржима тилида қайта яратилади. М: sari - сари.

8. Сўз қўшиш (Addition). Бу усул аслият матни тилидаги грамматик ва семантик компонентларнинг шаклан ифодаланмаслик ҳолатларида қўлланади. М: He could not remember this man who he had seen – У яқиндагина кўрган одамани эслай олмади.

9. Сўз мақомини бошқа тил хусусиятига мослаштириш (Naturalization). Бу усулда тилда янги сўзлар ассимиляцияси ҳодисаси содир бўлади, яъни таржимон аслиятдаги сўзни биринчи одатий талаффузига кўра, кейин таржима тилнинг одатий морфологиясига кўра мослаштиради. Бу усулни транскрипция ва транслитерация усуллари синониими десак ҳам бўлади. М: Edinburgh – Эдинбург.

10. Бошқа сўзлар билан ифодалаш (Paraphrase). Бунда маданий бўёқдорликка эга сўзнинг маъноси тушунтирилади. Бу усулда изоҳ тасвирий эквивалентликдан кенгроқ, батафсил баён этилади. М: белбоғ - it is piece of material sewed in form quadrangle kerchief and you wear around the waist.

11. Эслатмалар (Notes). Эслатмалар, асосан, таржима тили ўқувчисига тўлиқроқ маълумот бериш мақсадида муқобили йўқ лексик бирликлар, миллий реалиялар ва лакуналар билан боғлиқ бўлиб, таржималарда саҳифа пастида, бобнинг охирида ёки китобнинг охириги саҳифаларида берилади. М: Samurai – Қадимги япон империяларида жанг санъати усталари, жангчилар. Одатда, миллий-маданий лексик бирликларни эслатмалар орқали беришнинг тўрт тури мавжуд: а) Ўзгартириш усули орқали: У олча емоқда – He is eating a fruit called olcha. б) Сўз шакли ёки вазифасини тасвирлаш усули орқали: The queen of the UK came to India – the woman who ruled the UK came to India. в) Тасвирий таржима усули орқали: Рамазон ҳайитида Ўзбекистонликлар ишга бормайдилар, дам оладилар – The people of Uzbekistan do not go to work and have a rest in Ramadan – Khait which is a holiday of moral purification and spiritual revival. г) қиёслаш усули орқали: Мен гуммани пишира оламан – I can prepare gumma like patty in England.

Таржимада маданий трансформация қилиш усул ва йўллари ҳақида гап кетганжа аслият матнида қўлланган маданият белгиларининг бевосита



таржима матнига олиб ўтишни таҳлил этиш шу жараёнда қўлланадиган таржима трансформацияларини белгилаш назарда тутилади. Таржимашуносликнинг ушбу муаммоларини инглиз тилига таржима қилинган ўзбек латифалари мисолида кўриб чиқамиз.

Ўзбек халқ латифаларида ўзбек халқининг қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари, дунёқараши, менталитети, яшаш тарзи каби маданиятни англатувчи тушунчалар бўлиб, улар латифаларда кулги яратишнинг бош мезони ҳисобланади ва тилда миллий-маданий лексик бирликлар билан ифодаланади.

Афанди латифаларидаги миллий-маданий лексик бирликларни таржима қилиш муаммолари “Қозон ҳам ўладими?”<sup>35</sup> сарлавҳаси остидаги латифа мавжуд бўлиб, “Афанди қўиниси **мингбошидан** қозон сўрайди” жумласида **мингбоши** миллий-маданий лексик бирлиги иштирок этган. Лекин ушбу сўз “If a Pot can Multiply”<sup>36</sup> деб номланган таржима матнида акс этмаган. Мазкур латифа тадқиқотнинг иккинчи бобида таржиманинг лингвостилистик хусусиятлари нуқтаи назардан таҳлил қилинган бўлса, бу бобда “Қозон ҳам ўладими?” латифаси таржиманинг лингвокультурологик хусусиятлари нуқтаи назардан ўрганиб чиқилган.

“**Мингбоши**” сўзининг нима учун миллий-маданий лексик бирлик таркибига киришини “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ва ЎТИЛдаги манбалар орқали кўриш мумкин. ЎМЭда мингбоши-ҳарбий маъмурий мансаб; 1) минг кишидан ташкил топган ҳарбий қисм кўмондони; 2) Ўрта Осиё хонликлари даврида ҳарбий маъмурий мансаб; 3) Тошкент даҳалари бошлиқлари бўлиб, ҳокимлар томонидан тайинланган; 4) XX асрнинг 20 - йилларида бир ёки бир неча қишлоқ бошқарувидан ташкил топган маъмурий идора бошлиғи. Ҳозирги кунда ҳам мингбошининг ижтимоий мавқеи сақланиб қолган бўлиб, унинг ҳозирги номи “маҳалла оқсоқоли” ҳисобланади. Маҳалла Ўзбекистонда маъмурий-худудий бирлик, ўзини-ўзи

<sup>35</sup> Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.64.

<sup>36</sup> Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – P.5.

бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули. Уни маҳалла оқсоқоли ўзининг маслаҳатчилари билан бирга бошқаради. Мингбоши шу маҳалла оқсоқолининг тарихий кўриниши ҳисобланади. Демак, бу терминда ўзига хос миллий – маданий бўёқдорлик бор.

ЎТИЛда эса мингбоши сўзининг а) даҳа ёки қишлоқ оқсоқоли, ҳокими, б) кўшин бошлиғи маънолари мавжуд. “Қозон ҳам ўладими?” латифасида **мингбоши** сўзи “қишлоқ оқсоқоли”, “ҳокими” маъносида қўлланган. “**Мингбоши**” сўзининг миллий-маданий бўёқдорликка эга бўлганлиги учун уни транслитерация ёки транскрипция усулидан фойдаланиб таржима қилиб бўлмайди. Ушбу сўзни тўғридан-тўғри таржима тилига олиб ўтсак, таржима матни ўқувчилари учун тушунарсиз ҳолатга келиб қолади. И.Шоҳ ушбу миллий-маданий лексик бирликни оддий “қўшни” сўзи билан алмаштирган, яъни “**мингбоши**” сўзи таржима тилига олиб ўтилмаган. Бу ерда ушбу сўз инглиз тилига таржиманинг функционал эквивалентлик трансформациясидан фойдаланиб “**шериф (sheriff)**” сўзига ўтирилса аслиятдаги кулги эффекти таржима тилига ҳам олиб ўтилади. Инглиз тилидаги “**sheriff**” сўзи OALD луғатида қуйидаги маъноларини кўриш мумкин: 1. *An elected officer responsible for keeping law and order in a country or town.* 2. *(often High Sheriff) (in England and Wales) an officer resperesting for the king or queen in countries, and some cities, who performs some legal duties and attends ceremonies.* 3. *(in Scotland) a judge.* 4. *(in Canada) an official who works in a court preparing court cases.* OALD луғатидаги **sheriff** сўзининг биринчи ва иккинчи маънолари ўзбек тилидаги мингбоши сўзига тўғри келади: 1. қишлоқ ёки шаҳарда қонун ва тартибни назорат қилиш учун сайланган амалдор, 2. (Англия ва Уэльсда) қишлоқлар ёки баъзи шаҳарларда қонуний вазифаларни амалга оширадиган ва маросимларда қатнашадиган қирол ёки қироличанинг амалдор вакили<sup>37</sup>.

Ушбу латифада адолатсиз, хасис бойларнинг камбағалларни аҳмоқ қилиб бўлса-да, улардан бирор нима ундиришга ҳаракат қилишидан иборат

---

<sup>37</sup> Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.1400.

бўлган бир ҳолати ифодаланган. Бироқ, худди шу ижтимоий мотив таржимон назаридан четда қолиб кетган.

Инглиз тилига таржима қилинган латифаларда ўзбек халқининг турмуш тарзига хос жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолиб кетган. “*Мушук қани?*” латифасида “ёвғон” миллий таом номи қўлланади.

Мазкур латифанинг таржимаси Мерилин Петерсон тўпламидан ҳам ўрин олган бўлиб, таржимон “ёвғон” миллий таом номини *porridge* деб таржима қилади.

Мазкур латифанинг таржимаси аслиятга жуда яқин, ҳатто маъно-мазмун жиҳатдан мос келган, бироқ ундаги “*ёвғон*” сўзи инглиз тилидаги “*porridge*” сўзи билан берилиши ўзбекона турмуш тарзига мос эмас. “*Porridge*” инглизлар ҳаётида бўтқа, енгил овқат маъноларини билдиради. Ўзбеклардаги ёвғон овқат эса, одатда, гўштсиз бўлиб, унга бошқа ҳамма масаллиқлар меъёрида солиниб пиширилади. Фикримизча, “ёвғон” сўзини инглиз тилига транслитерация қилиб, унинг қуйидагича изоҳини берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди: *yovgon- meal is prepared putting all vegetables and relish except meat.*

И.Шоҳнинг тўпламида эса бу миллий таом номи таржимада акс этмаган.

Таржимада миллий - маданий бўёқдорлик акс этмаган яна бир матн - бу “*Сендан ҳижолат бўлиб*”<sup>38</sup> латифасидир. И.Шоҳ томонидан амалга оширилган таржимада биз шундай ҳолатни кўришимиз мумкин. “*The burglars*” сарлавҳаси остида ушбу латифа инглиз тилига таржима қилинган ва “сандиқ” сўзини *cupboard* тарзида ўгирган.

Бу ерда аслият матнида ўзбек халқига хос миллий-маданий лексик бирлик *сандиқ* сўзи ишлатилган. *Сандиқ* ўзбек халқи одатига кўра, қимматбаҳо буюмлар сақланадиган предмет. Ўзбеклар ҳеч қачон қимматбаҳо буюмларини ошхона шкафига қўймайди. Таржимон эса *сандиқ* сўзини *cupboard (ошхона шкафи)* билан алмаштирган.

---

<sup>38</sup> Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.26.

“Сендан ҳижолат бўлиб” латифасини М.Петерсон ҳам таржима қилган бўлиб, таржимон “сандиқ” сўзини инглиз тилига “trunk”га ўғирган. *“Trunk” – a large strong box with a lid used for storing or transporting clothes, books, etc. (усту ёпиқ катта мустаҳкам қути бўлиб, кийим-кечак, китоб ва бошқаларни сақлаш ва ташиш учун фойдаланилади)*<sup>39</sup>.

“Сандиқ” миллий - маданий лексик бирлиги “Гўшт ва болта”<sup>40</sup> латифасидаги қуйидаги жумлада қўлланган: *Ётар маҳалда Афанди болтани олиб сандиққа солди.* И.Шоҳ ушбу жумлани қуйидагича таржима қилган: *Nasrudin ran to get his axe and began to lock it in a chest. (You Can't Be Too Careful)*<sup>41</sup>. OALD луғатида “chest” сўзининг учинчи маъноси “сандиқ” сўзига яқинроқ: *a large strong box, usually made of wood, used for storing things in and/or moving them from one place to another (ёғочдан ясалган катта мустаҳкам қути бўлиб, нарсаларни сақлаш ёки бир жойдан бошқа жойга олиб бориш учун фойдаланилади)*<sup>42</sup>.

Инглиз тилида *chest, trunk* сўзлари *сандиқ* сўзига шаклий эквивалент бўла олади, лекин функционал эквивалент бўла олмайди. Чунки, ўзбек халқи қадимда ўз қимматбаҳо буюмларини сандиқда сақлаган. *“Chest”, “trunk”* эса асосан оддий буюмларни сақлашга ва бир жойдан бошқа жойга ташишда қўлланилади. *Сандиқ* сўзининг миллий-маданий коннотатив маъноси ҳақида юқорида фикр юритганмиз. Латифанинг моҳиятига кўра, Афандининг уйига кирган ўғри сандиқдаги қимматбаҳо буюмларни олиб кетишни мақсад қилган. Таржимонлар эса бу моҳиятни тўлиқ англаб етмаган. Шунинг учун бу сўзни ҳатто “cupboard” тарзида ҳам таржима қилган.

Фикримизча, таржимада сандиқ сўзининг қуйидагича изоҳи берилганда унинг коннотатив маънолари ўқувчи учун тушунарли бўлар эди ва аслият матнидаги кулги эффекти таржима матнида ҳам акс этган бўлар эди: *He quickly hid in his sandiq in which valuable things are kept.*

<sup>39</sup> Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.1645.

<sup>40</sup> Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.24.

<sup>41</sup> Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. P.79.

<sup>42</sup> Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.254.

## Саволлар:

1. Лингвокультурологиянинг тадқиқот объекти нималардан иборат?
2. Тасвирий эквивалентлик нима?
3. Маданий компонентга эга лексик бирликларга мисоллар келтиринг.
4. Лингвокультурологик трансформацияларга нималар киради?

## 6-мавзу: Прагматик трансформациялар

Исси Юлиасри ва Руди Ҳартанолар Молина ва Албир томонидан таклиф қилинган таржиманинг қуйидаги 18 та трансформацияларини таъкидлаб ўтишади: 1) мослаштириш (adaptation), 2) кўпайтириш (amplification), 3) сўз ўзлаштириш (borrowing), 4) калькалаш (calque), 5) компенсация (compensation), 6) тасвирлаш (description), 7) дискурсив яратиш (discursive creation), 8) яратилган эквивалентлик (established equivalence), 9) умумлаштириш (generalization), 10) лингвистик кенгайтириш (linguistic amplification), 11) лингвистик босим (linguistic compression), 12) сўзма-сўз таржима (literal translation), 13) модуляция (modulation), 14) тавсифлаштириш (particularization), 15) қисқартириш (reduction), 16) ўрин алмаштириш (substitution), 17) транспозиция (transposition), 18) ўзгариш (variation)<sup>43</sup>.

Таржимашуносликда прагматик таржимага эришиш учун қуйидаги таржима трансформацияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) Кучайтириш (reinforcement). Бу усул кенгайтириш усулининг варианты ҳисобланади. М: No smoking! - Бу ерда чекиш ман этилади!

2) Камайтириш (condensation). Бу усул эса торайтириш усулининг варианты ҳисобланади. М: We have been waiting for you - Биз сизни кутаётган эдик.

3) Маънони очиб бериш (explicitation). Бунда аслиятдаги лексик бирлик таржима матнида тўлиқроқ шарҳ ёки аниқлаштирувчи маъноли сўз

---

<sup>43</sup> Yuliasri I, Allen P. Foreignizing and domesticating Harry: An analysis of the Indonesian translation of Harry Potter and the Sorcerer's Stone. T & I Review, 4. Seoul, Korea: EWha Research Institute for Translation Studies, 2014.

бирикмаси билан алмаштирилади. М: conservationist – атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тарафдори<sup>44</sup>.

4) Яширин маъно бериш (implication). Имплицит аслият матнидаги эксплицит маълумотни ёритиб бериш учун вазиятдан фойдаланиб, яширин маънони беришдир. Бу усул таржиманинг прагматик аспектининг бош мезони ҳисобланади. М: You should obey my order – Қонун олдида ҳамма баробар.

5) Умумлаштириш (generalization). Аслиятдаги топ маъноли сўзни таржима тилидаги кенг, умумлаштирувчи сўз билан алмаштиришни кўзда тутуди. М: He visits me practically every weekend – У меникига қарийб ҳар ҳафтада келади<sup>45</sup>.

6) Тафсиллаш (particularization). Аслиятда кенг маъноли сўз ёки сўз бирикмасини таржима матнида анча конкрет мазмунга эга сўз билан алмаштириш. М: meal – нонушта, тушлик, кечки овқат кабилар.

Таржимада тил алмашади, лекин миллийлик қолади.

Миллий колорит тушунчасининг таркибий қисмлари:

1. Халқнинг моддий тирикчилик шароитидан олинган хос сўзлар ва уларни таржима қилиш хусусиятлари: пахта, ғўза, яғана, ўтоқ, пилла, ҳўп, жувоз ёғи, жўхори; етти хазина: қовоқ, турп, сабзи, пиёз, шолғом, мош, лавлаги, ловия ва ҳоказо.

2. Моддий тирикчилик шароитидан олиниб, мажозий маънода ишлатиладиган хос сўзлар таржимасининг хусусиятлари: пахтадай оппоқ, пахтадай юмшоқ, жони пахтадай, қўйдаи безабон; кўзи чаросдай - кўзи қорағатдай - кўзи сигирдай; мусичадай беозор - сигирдай беозор (корейс); охудай қиз - бўз кўчқордай қиз (туркман).

3. Таржимада киши номлари ва лақабларининг берилиши: Иля - Илёс, Соломон - Сулаймон, Авраам - Иброҳим, Иисус - Исо (Масих), Каин - Қобил, Адам - Одам Ато, Ева - Момо Ҳаво, Аристотел - Арасту, Платон - Афлотун,

<sup>44</sup> Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – Б.39.

<sup>45</sup> Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.132.

Сократ - Суқрот, Гален - Жолинуc, Гиппократ - Буқрот, Ибн Сино - Авиценна ва ҳоказо.

“Бадиий ижод вакиллари баъзан ўз персонажларини шундай исмлар билан атайдиларки, бу номлар ўша персонажлар хусусиятини ўзида мужассамлаштирганлари сабабли “гапирувчи номлар” деб аталадилар.

4. Диний истилоҳлар, тушунчалар, маросимларнинг таржимада берилиши: Олимп худолари, илоҳлар, маъбудлар - Оллоҳлар (Ў.Мирмуҳамедов), Инжил - Каломуллоҳ (В.Файзулло), пасха - рўза, ғусл - чўмилиш, намоз - ибодат (“Қутадғу билиг” таржимасида), фақиҳ - судя, азон айтиш - чўқинтириш ва ҳоказо.

5. Жуғрофий номлар: Дашти Қипчоқ - Великий степ, Египет - Миср, Сурия - Шом, Рум - Кичик Осиё, Фаранг, Ажам, Урал - Ёйиқ, Сайхун - Сирдарё, Жайхун - Амударё, Самарқанд - Мароқанд, Чин - Хитой, Канада - уйлар, кулбалар ва ҳоказо.

6. Пул бирликлари таржимаси: динор, дирҳам, сўм, танга, мири, тийин, рубл, доллар, рупия, туман, риёл, фунт-стерлинг ва ҳ.к.

7. Ўлчов бирликлари: километр, чақирим, фарсанг, лё, тош, қадам, қадоқ, ботмон, пуд, кило, газ, саржин, қарич, тирсак.

8. Таом номлари: палов - рисовая каша, чалоб - окрошка, пирог - сомса, котлет - қийма эт, шўр бодом - шўрданақ, каша - шовла, ший - шўрва.

9. Чолғу асбоблари ва мусиқий атамалар таржимаси: доира, най, қўшнаё, карнай, сурнай, чанг, флейта, гитара, муза, барбат, уд.

Лапар, катта ашула, шашмақом, хиргойи.

Тансеват - рақсга тушиш. тансеват - танса тушиш.

10. Кийим-кечаклар номи: тўн, дўппи, қийиқча, кулоҳ, гуппи, нимча; галстук, фрак, шуба, плашч, шляпа, пальто, костюм-шим. Шуба - чарм тўн, халат - гуппи, кулоҳ - шапка, тўн - палто.

11. Адабий терминлар таржимаси: рубоий, ғазал, туюқ, фард, хокку, танка, қасида - ода, марсия - элегия, оқ шеър - белий стих, бармоқ вазни - палчиковая система, аруз, девон, ўлан, баёз, антология, хрестоматия, мажмуа,

тазкира, элегия - ўлан, ғазал, свод элегий - девон, ёр-ёр, терма, яллама-ёрим, омонёр.

12. Халқаро ташкилотлар, йирик уюшмалар, фирмалар, трест номлари таржимаси: Красний полумесяц - Ҳилоли аҳмар - Қизил яримой.

13. Газета ва журнал номлари таржимаси: “Халқ сўзи” - “Народноэ слово”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Туркистон”, “Ўзбекистон овози”, “Муштум”.

14. Топонимлар таржимаси: Бангилар, Сассиқ ҳовуз, Кўкча, Бешкент, Қизилтепа, Бешариқ, Олтиариқ, Учариқ. Масалан, “Бобурнома”нинг инглизча таржимасида “Камруд” сўзини - “безводная дорога” (“қақроқ йўл”) деб олинган.

15. Урф-одат, расм-русум, анъана ва маросимлар таржимаси: ақиқа, бешик тўйи, қизлар мажлиси, мавлуд, Биби сешанба, ифторлик, хатми Қуръон, чарлар, келинталбон, маслаҳат оши, чимилдиққанон, худойи, тоғора қилиш, тўққиз товоқ, идишни куруқ қайтармаслик, падароши, жаноза, йигирма, йил, ҳайит.

16. Асарларнинг номлари таржимаси: Библия - Библия, Евангелия - Инжил, Буквар - Алифбо, “Обон” - “Куй” - “Жамила”, “Тронка” - “Ҳаёт навоси”, “Плаха” - “Қиёмат”, “Сестра Керри” - “Бахтиқаро Керри”, “Юлдузли тунлар” - “Бабур”, “Декамерон” - “Декамерон”.

17. Уй жиҳозлари таржимаси: сандал, тахмон, печ, хонтахта, стол, стул, шкаф, жавон, шам.

18. Меҳнат қуроллари: ўроқ, кетмон, омоч, чориқ, паншаха, ғалвир, тегирмон, дўл, дук, чарх, арава, қоп, қанор, коржома, пайтава. Масалан, “Бобурнома”нинг инглизча таржимасида “кетмон” - “белкурак” деб берилган.

19. Ошхона анжомлари: ўқлов, рапида, тандир, ўчоқ, шеван, ҳовонча, нонпар, элак, тоғора, гушти.

20. Қуш, ҳайвон ва ҳашаротлар номи: кўй, фил, туя, делфин, тимсоҳ, бойўғли, булбул, қарға, суварак, чивин, пашша, чумчуқ, бешиктебратар, эчки,



ари, асалари, калдирғоч, мусича, бедана, сассикпопишак, чуғурчиқ, илон, типратикан, курбақа, от, ит, эшак, мушук, сичкон, каргаз, чаён, юмронқозик, калтакесак. Масалан, “Бобурнома”нинг инглизча таржимасида “оқ кийик”ни - “белый звер” (“оқ хайвон”) деб берилган.

21. Мевалар номи таржимаси: ўрик, олхўри, қовун, тарвуз, узум, нок, редиска, анжир, анор, беҳи, олма, гилос, олча, жийда, дўлана, равоч, ёнғоқ, бодом, қовоқ, лавлаги, турп, арпабодиён, банан, кокос, тут, қулупнай. Масалан, “Бобурнома”нинг инглизча таржимасида “олма”ни - “беҳи”, “ханзал” (“аччиқ тарвуз”) - “қовоқ”, “нашвати”ни - “қовуннинг бир нави”, “меҳригиёҳ”ни - “мандрагора” (“заҳарли ўт”) деб берилган.

22. Дарахтлар ва гуллар номи: гултожихўроз, райҳон, жамбил, атиргул, гулибеор, мажнунтол, тол, сада, гужум, акация, ар-ар, дуб, палма, чакалак, сарв, шамшод, тўбо.

### **Саволлар:**

1. Прагматик таржиманинг асосий моҳияти нимадан иборат?
2. Прагматик таржимада яширин маъно бериш деганда нимани тушунасиз?
3. Умумлаштириш таржима усулининг асосий мақсади нимадан иборат?

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Keys bilan ishlashga 1 ta o'quv mashg'ulo1-variant

Keys bilan ishlashga 1 ta o'quv mashg'uloti ajratilgan. Keys o'lchami unchalik katta emas .

1. Keys bilan yakka tartibda tanishish.
2. Keys bilan jamoa bo'lib ishlash:
  - 2.1. Aqliy hujum: - muammoli vaziyatni hal etish g'oyalari generatsiyasi.
  - 2.2. Jamoaning bahosi va ustuvor g'oyalarning tanlanishi.
3. O'qituvchi rezyumesi.
4. Tinglovchilarning o'quv yutuqlarini baholash

### 2-variant

Keys bilan ishlashga 1 ta o'quv mashg'uloti ajratilgan. Keys o'lchami unchalik katta emas.

1. Keys bilan yakka tartibda ishlash.
2. Jamoaning muammoli vaziyatni tahlil qilish va hal etish, bunday amaliy vaziyatdagi faoliyat bo'yicha tavsiyalarni ishlab chiqishga qaratilgan munozarasi.
3. O'qituvchi rezyumesi.
4. Tinglovchilarning o'quv yutuqlarini baholash

### 3-variant

Keys bilan ishlashga 1 ta o'quv mashg'uloti ajratilgan. Keys o'rtacha o'lchamli.

1. Keys bilan auditoriyadan tashqari vaqtda yakka tartibda ishlash.
2. Auditoriyada ishlash:
  - 2.1. Kichik guruhlarda ishlash: keys bilan yakka tartibda ishlash natijalarini muhokama qilish bo'yicha kichik guruhlardagi ishlar; jamoaning muammo yechimi bo'yicha taklif qilingan muqobil variantlarni tahlil qilishi va baholashi, ustuvor g'oyani tanlashi; muammoli vaziyatni hal etish dasturining ishlab chiqilishi.
  - 2.2. Guruh ishi taqdimoti.
  - 2.3. Muammoli vaziyat yechimi bo'yicha taklif etilgan variantlarning jamoadagi muhokamasi.
3. O'qituvchi rezyumesi.
4. Tinglovchilarning o'quv yutuqlarini baholash

## VI. ГЛОССАРИЙ

|   |  |
|---|--|
| <b>Сўз ўзлаштириш</b>                   | таржима жараёнида бир сўзни бир тилдан бошқа тилга тўғридан-тўғри олиб ўтиш  |
| <b>Калькалаш</b>                        | хорижий тил сўзи ёки ибораси бошқа тилга таржима қилинади ва шу тил таркибига кириб кетади. Аслият тилидаги лексик бирликнинг ўзига хос бўлган белгиларидан фойдаланиб таржима тилида эквивалент сўз яратиш учун сўзма-сўз таржима қилинади. |
| <b>Гапларни бирма-бир таржима қилиш</b> | сўзлар, гаплар сўзма-сўз таржима қилинади, грамматик структура сақлаб қолинади   |
| <b>Транспозиция</b>                     | сўз туркумининг ўзгариши, яъни феъл отга, от предлогга ўзгариши  |
| <b>Модуляция</b>                        | тушуниш нуқтаи назаридан лексик бирликнинг ўзгариши  |
| <b>Эквивалентлик</b>                    | бунда худди шундай вазият учун бутунлай бошқа муқобил ибора ишлатилади, яъни мақоллар ёки идиоматик ифода воситалари буларга мисол бўла олади.   |
| <b>Маданий эквивалентлик</b>            | таржимон аслият тилидаги маданий сўзни таржима тилидаги маданий сўз билан алмаштиради  |
| <b>Тасвирий эквивалентлик</b>           | лексик бирликни билдирувчи сўзнинг маъноси бир неча сўзларда тушунтирилиши   |
| <b>Функционал эквивалентлик</b>         | таржима тили лексикасида сўз аслият тили лексикасидаги бир хил вазифани бажарувчи матн услубига мос келадиган сўз билан алмаштирилиши  |
| <b>Мослаштириш</b>                      | Бу усулда, одатда, бирор термин махсус аудитория ёки таржимоннинг махсус мақсади учун кўпроқ мос келадиган матн яратиш учун керак бўладиган  |

|                    |  |
|--------------------|--|
|                    | ўзгаришлар амалга оширилади  |
| <b>компенсация</b> | Аслият матнидаги маълумотнинг бирор лексик бирлиги ёки стилистик таъсири таржима матнида айнан ўз жойида эмас, балки матннинг яна бошқа бир жойида қайта яратилади |
| <b>кенгайтириш</b> | таржима тилида синтактик ва лексик бўшлиқларни йўқотиш учун кўпроқ маънога эга тушунчалардан фойдаланиш  |

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрь “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь

“2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

Беляева Л. Н. Теория и практика перевода: Учебное пособие. – СПб.: ООО «Книжный Дом», 2017. – 212 с.

1. Латышев ЛК. Технология перевода. Уч. пос. по подготовке переводчиков (с нем. ях). -ML: НВИ - ТЕЗАУРУС, 2011. 280 с

2. Қамбаров Н.М. Таржима трансформациялари ва тил контактлари (назарий масалалар). Fledu.uz Ўзбекистонда хорижий тиллар электрон журнали. – Т.: 2016.

3. Гофуров И, Мўминов О, Қамбаров Н. Таржима назарияси. –Т.: Тафаккур-Бўстон, 2012. – 216 б.

4. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – 132 б.

5. Yuliasri I, Allen P. Foreignizing and domesticating Harry: An analysis of the Indonesian translation of Harry Potter and the Sorcerer’s Stone. T & I Review, 4. Seoul, Korea: EWha Research Institute for Translation Studies, 2014.

6. Mona Baker. In other words: a course book on translation/Mona Baker.-(2<sup>nd</sup> ed). 331 p.

8. Sargent, B. / DePalma, D. (2017): “Translation workers of the world, unite!

(Now that translation memory is free)”.

9. Zetzsche, J. (2017): “Tool Kit: What makes a translation environment tool?”.
10. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.
11. Newmark P. A Textbook of Translation. – London: Prentice Hall, (1988/1995). – 292 p.
12. Snell-Hornby, M. Translation Studies: An Integrated Approach. – Amsterdam / Philadelphia: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. – 184 p.
13. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. – Indiana: Oxford University Press, 1965. – 103 p.
14. Nida E. Towards a Science of Translating. – Leiden, 1964. – 331 pp.
15. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение. – М.: ЭТС, 2001. – 424 с.
16. Аликина Е.В., Швецова Ю.О. Формирование экстралингвистической компетентности будущих устных переводчиков // Современные проблемы науки и образования. 2012. – № 2. Электрон ресурс: [www.scienceeducation.ru/102-6037](http://www.scienceeducation.ru/102-6037).
17. Щукин А.Н. Обучение иностранным языкам. Теория и практика: учеб. пособие для преподавателей и студентов. – М., 2004. – 416 с.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Muminov O. and others. Written Translation. Part I, II. Tashkent. 2010.-272p.
2. Яшина Н.К. Учебное пособие по письменному переводу. Владимир-2016.
3. Baker M. In other words- London: Routledge. 2011- 332p.
4. Munday J. Introducing to Translation Studies. London: Routledge. 2012.-364p.
5. Robinson D. Becoming a Translator London: Routledge. 2012-230p.
6. Мо‘minov O. Sinxron tarjima. Toshkent – 2015, - 134 b.
7. Malmkjer K and Kevin W. The Oxford Handbook of Translation studies. – Oxford: Oxford University Press, 2011. – 256 p.
8. Mason K. Metaphor and Translation. Babel 28 (3): 1982. Pp 140-149.
9. Mateo M. The Translation of Irony. Meta, 40 (1), 1995. Pp 171-178.
10. Mildred L. Meaning – based translation: A Guide to Cross-language Equivalence. – Lanham: University press of America, 1984. – 537 p.

#### **Интернет сайтлари**

1. <https://cyberleninka.ru/article/n/lingvokulturologicheskaya-model-perevoda>
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/suschnost-mezhyazykovoy-kommunikatsii>
3. <http://linguists.narod.ru/downloads.html>
4. <http://www.durov.com/study/1126965784-307.html>
5. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
6. <http://tpot.ru/index.html>



7. <http://www.langinfo.ru>
8. <http://www.lingvoda.ru/forum/actualthread.aspx?bid=2&tid=244>
9. <http://www.twirpx.com/rss/category/4175/>
10. <http://www.twirpx.com/file/311224/>